БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 298 (4397).
30 ДЕКАБРЬ, 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ «Труд» газетасининг 28 декабрь сонида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг «Зарбдор якунлар, масъулиятли вазифалар» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Бугун маҳаллий газеталарда ана шу мақола кўчириб босилган.

◆ Мактабгача тарбия малакали ходимлари тайёрлашда, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда эришган муваффақиятлари учун ва ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан Н. К. Крупская номли Тошкент педагогика билим юрти Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

✦ БИНОКОРЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ

ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли уйсозлик комбинатлари бунёдкорлари ҳам пойтахтимизнинг Чилонзор, Қўйлиқ массивларида, шунингдек Луначарский шоссесининг жанубий томонидаги янги микрорайонида пойтахтимиз аҳолиси учун кўплаб муҳташам турар жой биноларини қуриб фойдаланишга топширдилар.

1-уйсозлик комбинатига қарашли 31-бошқарма қурувчилари Чилонзорнинг Б-5 кварталида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Уй-жой кооперативлари ишини кооперациялаш бўлими буюртмаси асосида 40 ва 80 квартирали иккита бинони фойдаланиш учун топширишди. Луначарский шоссесининг жанубий томонидаги янги микрорайонда шу комбинатга қарашли 26-бошқарма қурувчилари 110 квартирали беш қаватли яна бир кооператив уйда қурилиш ишларини ниҳоясига етказдилар.

Қўйлиқ массивининг Б-5 микрорайонида эса «Бинокор» кооперативи аъзолари учун 30 квартирали турар жой биноси қуриб битказилди. Ҳар жиҳатдан кўркам ва қулай қилиб қурилган бу биноларга ҳамшаҳарларимиз кўчиб ўтишмоқда. Янги йил шодиёналари уй тўйларига қўшилиб кетмоқда.

Тошкент подшипниклар ремонти заводининг коллективи Янги — 1981 йилни барча топшириқларни ортиғи билан адо этиб кутиб олмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг 1982 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилаётган илғор прессчиси коммунистик меҳнат зарбдори Галина Феоктистова.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

Партия активи йиғилишидан

Кеча шаҳар партия комитетининг мажлислар залида шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездига лойиҳаси ҳақида КПСС Марказий Комитетининг қароридан шаҳар партия ташкилоти учун келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **У. У. Умаров** доклад қилди. Асосий йўналишлар лойиҳаси, — деди у, — мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг янги уфқларини очиб беради. Унинг ҳар бир бўлими, ҳар бир рақами ривожланган социализмнинг улкан бунёдкорлик имкониятларидан ёрқин далолат бериб турибди. Партиямизнинг иқтисодий стратегияси олий мақсади халқ фаровонлиги, кишиларнинг моддий ва маданий турмуш савиясини муттасил ошириш, шахсни ҳар томонлама ривожлантириш учун энг яхши шарт-шароитлар яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бўлган ва шундай бўлиб қолади.

Ҳозирги вақтда катта ва жуда масъулиятли сиёсий кампания ўтяпти, унда мамлакатимизнинг деярли барча катта ёшдаги аҳолиси актив қатнашмоқда. Лойиҳа муҳокамаси бизнинг ижтимоий тузумимиз ҳақиқий демократизмининг ёрқин гувоҳидир. Асосий йўналишлар лойиҳасининг муҳокамаси ҳамма жойда корхона, қурилиш, ташкилотларнинг ишлари билан узвий боғлиқ ҳолда ўтяпти. Совет кишилари мамлакатнинг экономика, социал ҳаёт ва маънавий маданият соҳаларида эришган жуда катта ютуқларини зўр қониқиш билан таъкидламоқдалар. Бу ютуқлар олға томон боришда, янги марраларни эгаллашда мустаҳкам асос яратиб берди.

Тошкентликларнинг фидокорона меҳнати, социалистик мусобақанинг ижодий ривожлангани, резервларни муттасил излаш, иқтисод режимига қатъий риоя қилиш, планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш туфайли Тошкент меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 41,6 процент ошди, планга қўшимча салкам 400 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Халқ хўжалигига қўшимча кўплаб пахта териш машиналари, экскаваторлар, кўприк кранлари, компрессорлар, кабель маҳсулотлари, пластмасса буюмлари, чинни буюмлари, аралаш озуқа ва бошқа кўплаб маҳсулотлар етказиб берилди. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бир ярим мартадан зиёдроқ ошди. Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш уч марта ошди. Саноатда эришилган ютуқлар билан бир қаторда капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бўйича беш йиллик планлари ҳам муваффақиятли бажарилди.

Шаҳар партия комитети қилинган ишларни муносиб баҳолар экан, бу ютуқларни мустаҳкамлаш ва барча яхши тажрибаларни янада ривожлантириш, ундан экономикани янада ўстиришни таъминлашда фойдаланиш, барча ишларни КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми талаблари даражасига кўтариш зарур деб ҳисоблайди.

Камчиликлар эса афсуски, ҳали бор. Шаҳардаги корхоналарнинг еттидан бир қисми бу йил ишлаб чиқариш ҳажми планларини бажаролмади. 42 корхона таннарҳни қимматлаштиришга йўл қўйди. Ҳар саккиз корхонадан бири меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқларини уддалай олмаяпти. Ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмаяпти, Бўш туриб қолиш ва иш вақтини йўқотишлар ҳали кўп.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари шу каби камчиликларга тезроқ барҳам бериш юзасидан тезда чоралар кўришлари лозим. Бу эса келгуси беш йилликда партиямиз улуғвор программасини муваффақиятли бажаришнинг омилидир.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида фан ва техникани ривожлантиришга катта эътибор берилган. Тошкентнинг илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, олий ўқув юртлари бирлашмалар ва корхоналар билан ҳамкорликда қудратлироқ тракторлар, янги типдаги пахта териш машиналари, пахтани қабул қилиш ва сақлашнинг тобора янги автоматик назорат системасини, нефть ва газ саноати учун эса автоматик приборлар ва комплексларни, электрон ва электротехника саноати янги буюмларини, юқори сифатли кенг истеъмол буюмларини яратиш ва серияли ишлаб чиқариш учун изланишни давом эттиришлари лозим.

Асосий йўналишлар лойиҳасида ёқилғи, электр энергиясидан фойдаланишни яхшилаш, барча моддий-техника ресурсларини иқтисод қилиш бўйича тадбирлар белгилаб берилган. Мамлакат ягона энергетика системасини янада ривожлантириш, халқ хўжалигини электр билан мустаҳкам таъминлаш юзасидан ишлар давом эттирилади. Тошкентнинг барча таъминотчиларини энергия билан изчил таъминлаш мақсадида ўн биринчи беш йилликда узунлиги 54 километр бўлган электр узатиш кабель линиясини бунёд этиш ва ишга тушириш мўлжалланяпти. Янгидан 50 километрли иссиқлик тармоқлари қурилади ва 25 километрли иссиқлик тармоқлари реконструкция қилинади. Истеъмолчиларга иссиқлик марказидан энергия етказиб берилиши ҳисобига майда, фойда келтирмайдиган қозонхоналар тугатилади.

Асосий йўналишлар лойиҳасида кўрсатиб ўтилганидек, қора металлургияни янада ривожлантиришда металл маҳсулотларининг самарали турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини тубдан яхшилаш бош йўналиш бўлиб қолади. Тошкентда ҳозирги вақтда турли идораларга қарашли ўн бир корхонада чўян қуйиш ташкил этилган, бешта корхонада қуйма заготовкалар, ўн беш корхонада штамповка тайёрланади. Уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан етарлича самарали фойдаланилмаяпти. Район партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мутахассислар билан биргаликда шу корхоналарнинг ҳар биридаги аҳволни «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида»ги лойиҳа асосида чуқур таҳлил этишлари лозим. Улар шаҳар партия комитетига бу ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва ихтисослаштириш тўғрисида таклиф киритишлари лозим.

Асосий йўналишлар лойиҳасида: «Машинасозлик ва металл ишлашни илдам ривожлантириш кўзда тутилсин, машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш камида 1,4 баравар кўпайтирилсин» дейилган. Тошкент республикада машинасозлик ва металлни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Беш йиллик планда Тошкент трактор заводини йилига 70 минггача трактор ишлаб чиқариш қувватига, «Ташсельмаш» заводи қувватини эса йилига 10 минг пахта териш машинаси ишлаб чиқарадиган даражага етказиш учун янада реконструкция қилиш ва кенгайтириш мўлжалланган. «Союзмашхлопководства» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазэлектроаппарат», «Узбектекстильмаш» бирлашмалари ва бошқа бир қатор корхоналарда кувватлар анча оширилади.

Асосий йўналишлар лойиҳасида енгил ва озиқ-овқат саноати учун технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалик хом ашёсидан комплекс фойдаланиш, шунингдек маҳсулот сифатини яхшилаш ва турини кўпайтириш мақсадида машинасозликда машина ва ускуналарнинг юқори унумли системасини яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, Тошкентнинг енгил ва озиқ-овқат корхоналарида ўн биринчи беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш 25—35 процент ошади. Бундай ўсишни таъминлаш мақсадида шаҳар енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини техникавий жиҳозлаш, тўқимачилик ва бошқа корхоналар филиалларини очиш масалаларига эътиборни кучайтириш, ҳажмни тобора ошириб бориш, бундай буюмлар сифати ва турини кўпайтиришга эришиш лозим.

Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни тез кўпайтириш биринчи галдаги иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга вазифа ҳисобланади. Тошкент саноатида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари бутун мамлакатдаги, шунингдек, Ўзбекистон ССРдаги ўсиш суръати топшириқларидан 46—47 процент ўзиши керак. Жумладан, шаҳар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатидан 12—13 процент олдинда бориши керак. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқараётган саноат корхоналари ва бирлашмалари, маҳаллий саноат бошқармаси бундай буюмлар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг белгиланган суръатларини таъминлашнинг аниқ программасига эга бўлишлари лозим. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, трактор, «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», «Узбексельмаш», «Компрессор» заводлари ва бошқа корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективларини ҳажмни тобора ошириб бориш, кенг истеъмол буюмлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида ички резервларни қидириб топишлари ва улардан самарали фойдаланишлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида совет кишиларининг уй-жой шароитларини изчил яхшилаш, шинам квартираларни кўпайтириш, ободончилик савиясини ошириш кўзда тутилган. Шаҳарда турар жой микрорайонлари комплекс қурилишининг кенг программасини адо этиш белгиланган. 1981—1985 йилларда турар жойларни фойдаланишга топшириш 6 миллион квадрат метрга кўпаяди ёки шу беш йилликдагига нисбатан салкам 2 миллион квадрат метрга кўпаяди. Турар жойлар комплексида 60 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 25 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, 3 минг ўринли касалхоналар, 8 минг кишига хизмат кўрсатадиган поликлиникалар, 150 минг номерга мўлжалланган автомат телефон станцияси бинолари қуриш кўзда тутилган. Ўн биринчи беш йилликда Тошкент бўйича капитал маблағ ҳажми ўнинчи беш йилликка таққослаганда 12 процент ошади. Бундай суръатни таъминлаш учун қурилиш, монтаж, лойиҳалаш ташкилотлари, буюртмачилар олдида бир қатор амалий тадбирларни ҳал этиш вазифаси турибди.

Асосий йўналишлар лойиҳасида транспорт ва алоқани янада ривожлантириш кўзда тутилган. Шаҳарда пассажир транспортининг барча турлари ўн биринчи беш йилликда янада ривожланади. Жами 80 километрли янги трамвай ва троллейбус линияларини қуриш, 17 та энергоподстанция бунёд этиш кўзда тутилган. Ғафур Ғулом кўчасида трамвай депоси, Самарқанд дарвоза кўчасида эса троллейбус депоси ва бошқа бир қатор электр транспортининг объектлари фойдаланишга топширилади. Метросозлар янги ташаббус билан чиқишди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигигача, муддатидан илгари «Пахтакор» станциясидан «Авиасозлар шаҳарчаси» станциясигача 8,6 километр узунликдаги участкада метрополитеннинг иккинчи линиясини фойдаланишга топширишмоқчи.

«Главташпассавтотранс», трамвай-троллейбус бошқармаси шаҳар пассажир транспортининг ишларини координация қилиш ва унинг барча турларини ривожлантириш бошқармаси ўзларининг бутун куч-ғайратларини пассажир транспорти ишини янада аниқ ташкил этишга қаратишлари, трамвай-троллейбус, автобуслар ҳаракатининг бир маромда боришини таъминлаш, шаҳарликларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини анча оширишлари керак.

Докладчи ўз сўзининг охирида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал этиш Тошкент меҳнаткашларига келгуси беш йилликда янги меҳнат зафарларига эришиш, коммунистик бунёдкорликка, она Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга ўз муносиб ҳиссаларини қўшишга имкон беради, деб таъкидлади.

Сергели район партия комитетининг биринчи секретари **Б. Турик**, чинни заводи директори **А. Иброҳимов**, экскаватор заводи слесари **В. Докукин**, Акмал Икромов район ижроия комитетининг раиси **Ғ. Абдурасулов**, Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети партия комитетининг секретари **О. Мирокилова**, «Главташкентстрой» бошлиғининг ўринбосари **Е. Кириенко**, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника институтининг катта илмий ходими, партия ташкилотининг секретари **Б. Умаровлар** бу масалани муҳокама этишда қатнашиб, шу кунларда пойтахт партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси зўр қизиқиш билан муҳокама қилинаётгани, Тошкент меҳнаткашлари ҳал этиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида гапиришди.

Муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди. Унда «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига лойиҳаси ҳақида КПСС Марказий Комитетининг қарорида белгилаб берилган вазифаларни бажариш, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб берилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ҚИШНИНГ СОВУҚ КУНЛАРИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛСИН

● РЕМОНТ ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК ● КВАРТИРАЛАРНИ ИССИҚ САҚЛАШ — ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ ● УЙ-ЖОЙ ФОНДИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Қишнинг биринчи совуқ кунлари шаҳримиздаги турар жой ташкилотлари учун жиддий имтиҳон бўлди. Кўпчилик уйлар қишга яхши тайёрланган эди: иссиқлик тармоқлари дуруст ишламоқда, иссиқлик узеллари жойида, қаватлар оралиғидаги деразаларга ойналар қопланган эди, подъезддардаги эшиклар зич ёпилади.

Лекин санитария-эпидемиология станциясининг текширишлари шуни кўрсатдики, уй-жой фондини сақлашда ҳали бир қатор нуқсонлар мавжуд экан. Иссиқлик-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан назорат бўйича шаҳар комиссияси мажлисида ана шулар ҳақида сўз юритилди. Мисол учун биргина Чилонзор массивидаги 2-кварталнн олайлик. Бу ердаги 7, 55, 65, 66, 69-уйларнинг ертўлаларини сув босган, шу сабабли бу уйларнинг биринчи қаватини заҳ босиб кетган. Иссиқлик яхши етказиб берилмаётганлиги натижасида уйларда бир хил температура сақланмаяпти. Бундай ҳолларни трактор заводи массиви ва Сергели массивида ҳам учратиш мумкин.

«Марказ—13» кварталидаги 10, 14-уйларнинг, «Марказ — 15» кварталидаги 3, 4, 6, 7, 7-«а» уйларнинг томларидаги шиферлар ремонт қилинмаган. Ваҳоланки ремонт қилиш муддати аллақачон тугаган. Турар жой ташкилотлари мавжуд камчиликларга тезда барҳам бериб, ремонт ишларини қисқа муддатда тугаллаш тадбирларини белгилашлари зарур.

Комиссия мажлисида Киров райони турар жой ташкилотларининг раҳбарлари ҳам қаттиқ танқид қилинди. Улар районнинг «Марказ— 4», «Марказ— 5», «Марказ — 6» кварталлари ва Юнусобод массивидаги бир қанча уйларнинг ертўлаларидаги нуқсонларни бартараф этиш бўйича ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрмаётирлар. Бу ҳол маълум даражада инженерлик коммуникацияларининг ҳолатига таъсир кўрсатади, иссиқликдан тежаб-тергаб фойдаланишга тўсиқ бўлади.

Ҳозир совуқ кунлар бошланди. Шаҳримизнинг ҳар бир аҳолиси иссиқликни тежаб-тергаши керак. Ҳамма ўз уйининг ойналари ва эшикларидаги тирқишлардан совуқ кирмаслик чораларини кўрсин. Ҳудабеҳудага иссиқ сув, электр энергияси ва газ исроф қилинмасин. Подъездларнинг эшикларини мунтазам ёпиб юриш керак. Қисқа қилиб айтганда, турар жойларнинг чинакам хўжайини бўлайлик.

◆ ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

ПАРТИЯ СЪЕЗДИНИ ҚАРШИЛАБ

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимовнинг Россия адабиётчиларининг V съезди ҳақидаги ахбороти тингланди.

Секретариат, шунингдек, СССР Ёзувчилар союзи VI пленумининг «Мамлакатимиз ёзувчилар ташкилотларининг КПСС XXVI съездига ҳозирлик бўйича вазифалари ҳамда СССР ёзувчиларининг VII съездига тайёргарлик ҳақида»ги Қарорини бажариш юзасидан амалга оширилган тадбирларни кўриб чиқди.

Адабиётчиларнинг ишчилар, колхозчилар, ўқувчи ёшлар, жангчилар билан алоқалари бўйича катта ишлар кўзда тутилмоқда, шеърият кечалари ўтказиш, ёзувчиларнинг ишчилар ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳузурига сафари планлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг матбуот органларида босилаётган материаллар сифатига, очерк жанри тараққиётига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди ҳамда мамлакатимиз ёзувчиларининг VII съездига тайёргарлик билан боғлиқ бошқа ижодий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЭРТАК ОЛАМИДА

БУГУН

Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида «Биз КПСС XXVI съезди йилини кутиб оляпмиз» номли Янги йил сайили бўлиб ўтди. Меҳнаткашларнинг болалари учун бу ерда «Янги йил эртаги оламида» деб аталадиган театрлаштирилган программалар намойиш қилинди. Улар бу ерда ўрнатилган нурафшон арча атрофида рақсга тушишди, қувноқ қўшиқлар айтишди. Болалар, шунингдек Н. К. Крупская номидаги Пионерлар саройи қошидаги октябрятлар ва пионерлар хори коллективи чиқишини ҳам зўр қизиқиш билан томоша қилишди.

● *Волейбол*

Пешқадамга тенг келиб

Навбатдаги турда Тошкентнинг «Динамо» командаси ўтган йилги мамлакат биринчилигининг кумуш совриндори Москва областининг «Динамо» командаси билан майдонга чиқди. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, кузда бу командалар Ленинградда ўзаро куч синашган эдилар. Жамият биринчилиги учун ўтказилган ана шу учрашувда ҳамшаҳарларимиз чиройли ўйин кўрсатиб, рақибларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратишган эди. Лекин ўшанда москваликларнинг составида халқаро классли спорт мастери Михаил Лопатин иштирок этмаганди.

Мамлакат биринчилиги учун ўтказилган бу сафарги учрашув ниҳоятда қизиқарли бўлди. Дастлабки минутларда тажрибали меҳмонлар кучли ҳужум уюштириб, ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Иккинчи партияда эса ҳамшаҳарларимиз ташаббусни ўз қўларига олиб, ҳисобни тенглаштиришди. Учинчи партияда ҳам тошкентлик волейболчилар яхши ўйин кўрсатиб ҳисобда олдинга ўтиб олдилар. Лекин тўртинчи партияда улар сусткашликка йўл қўйишди. Шунинг учун ҳам ҳисоб яна тенглашди. Ҳал қилувчи бешинчи партияда эса яна ҳамшаҳарларимизнинг устунлиги яққол кўзга ташланди. Шундай қилиб, тошкентлик волейболчилар 3:2 ҳисобида учинчи ғалабани қўлга киритишди.

● *Сув полоси*

Биринчи давра якунланди

В. Митрофанов номли сув спорти саройида олий лигада қатнашаётган олти коллектив биринчи давра учрашувларини якунлашди. Бу ерда Олмаота шаҳрининг «Динамо» командаси ниҳоятда яхши ўйин кўрсатиб, бирорта ҳам очко йўқотмади. Олмаоталик ватерполчилар ўн очко билан турни якка пешқадам сифатида якунлашди.

Ҳарбий-Денгиз Флоти Марказий армия спорт клубига 4:8 ҳисобида ютқазган ҳамшаҳарларимиз «Москвич» командаси билан бўлган учрашувда ўзига хос маҳорат намойиш қилишди. Улар учрашувни кўтаринки руҳда ўтказиб, 9:7 ҳисобида ғалабага эришдилар.

«ТОШКЕНТ» СЕЙСМОСТАНЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

Бугун маҳаллий вақт билан соат 7 дан 29 минут ўтганида Назарбек зилзиласининг такрорий силкиниши содир бўлди. Ер силкиниши зилзила ўчоғида 7 балл, Тошкентда эса 5 балл атрофида бўлди.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

КОНВЕЙЕРДА—«ПЕПСИ-КОЛА»

РЕПОРТАЖ

Қибрай пиво-спиртсиз ичимликлар комбинати Янги йил арафасида роҳат бахш этувчи янги «Пепси-кола» ичимлигини чиқара бошлади. Ҳозирча бу маҳсулот савдога кам чиқарилмоқда. Лекин орадан кўп вақт ўтмай корхона ускуналари тўла қувват билан ишлай бошлайди.

«Пепси-кола» ичимлигини тайёрлаш технологиясининг бир учи тара участкасидан бошланади. Бу ерда Қаҳрамон Маҳкамов ва Александр Зенков иккита электрокарага ортилган поддонларни қадоқлаш автоматига узатиб туришибди. Автоматдан эса яшчиклар роликли конвейерларга ўтиб, қуйиш цехига етиб бормоқда. Лола Юсупова бошқараётган автомат яшчикдаги шиша идишларни олиши билан, улар транспортер столига келиб тушади, автоматик тарзда сурилиб ювиш машинасига ўтиб боради.

Шиша идишлар ғоят да тоза артилади. Бу иш турли моддалардан иборат қоришма солинган ванналарда бажарилади. Шундан кейин шиша идишлар махсус шприцлар билан қайноқ ва совуқ сувда ювилади. Фақат шундан кейингина контролерлар нурли экран ёрдамида идишнинг қанчалик тоза бўлганлигини синчиклаб текширишади.

Идишлар яна йўлини давом эттириб, электрон назоратдан ўтади.

Қуйиш-тиқинлаш машинаси (унга Гулбаҳор Турсунбоева хизмат кўрсатмоқда) идишларга «Пепси-кола»ни қуйиб, идишларни пробкалайди ва улар тайёр маҳсулот контролери Раъно Содиқова олдига бориб тушади. Унинг синчковлигидан ўтган шишалар этикеткаловчи автоматга узатилади. Шундан кейин пепси-кола қуйилган шишаларни яшчикларга соладиган автоматга тўғриланади.

Тайёр маҳсулот цехида қадоқловчи автомат яшчикларни поддонларга тахлайди. Электрокаралар бу поддонларни омборга ёки бевосита машинага жойлайди.

Ҳозирча комбинатда бир куннинг ўзида 60—80 минг шиша идишда «Пепси-кола» чиқарилмоқда. Линия тўла қувват билан ишлайдиган кунлар узоқ эмас. Ўшанда соатига 24 минг шиша ичимлик тайёрланадиган бўлади.

«Пепси-кола» ичимлиги умуман қандай тайёрланади? Ичимлик қуйиш цехининг бошлиғи Аббос Аҳмедович Алимбоев шундай изоҳлайди.

—Бу иш сувни майинлаштиришдан бошланади. Валентина Лобастова бошқараётган сув тозалаш бўлимида сувни аввал кўпиртириш усули билан юмшатилади. Бу ерда химиявий моддаларнинг ёрдами билан турли микроорганизмлар, учраши мумкин бўлган микроблар йўқ қилинади. Махсус фильтр сувни обдон тозалагандан кейин у ичимлик тайёрлаш учун яроқли бўлади.

Шундан кейин шакарли қоришма тайёрланади. Аралашмани тайёрлаш жараёнида турли хил моддалар қўшилади. Бир неча марта чайқатилади, фильтр-прессдан ўтказилади. Бу қоришманинг зичлиги 29,4 бирликка етказилгандан кейин масаллиқ 24 дан 48 соатгача тиндирилади.

Шундан кейин ярим масаллиқ сатураторга туширилиб, унинг ҳар бир қисмига юмшатилган сувнинг бешдан бир қисм қўшиб аралаштирилади. Шундай қилиб, «Пепси-кола» тайёр бўлади.

Комбинатда Ғарбий Германиядан келтирилган ускуна ўрнатилган. Оқ ва жигар рангли моддалардан иборат концентрат Ирландиядан келтирилади. Бу ичимликни тайёрлаш сирлари АҚШнинг «Пепси-кола» «корчалон»лари томонидан сир тутилмоқда.

Тошкентлик усталар «Пепси-кола» тайёрлашни ўзлаштириб олган Таллин лимонад заводида ана шундай ускуналарни икки ҳафта ичида ўрганиб чиқдилар. Ҳозирда бундай ичимликни ишлаб чиқараётган Москва, Ленинград, Киев, Таллин, Новосибирск, Новороссийск шаҳарларидан кейин Тошкент мамлакатда еттинчи ўринда туради. Ҳозирги пайтда бундай ускуналар Олмаотада монтаж қилинмоқда. Бу ичимлик учун шиша идишларнинг етишмаслиги лойиҳа қувватини ўзлаштиришга қийинчилик туғдирмоқда. Комбинат директори Собир Расулович Расулов бизларни ҳозиргина тайёрланган лаззатли ичимлик билан меҳмон қилди. Тотиниб кўрдик. Чиндан ҳам роҳатижон ичимлик.

И. АЛИМОВ.

СУРАТДА: «Пепси-кола»нинг дастлабки шишалари.

М. Нуриддинов фотолари.

• *Раҳбарнинг услуби*

ИШЧАНЛИК, ҚАТЪИЯТ, КАМТАРЛИК

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Коммунистлар партияси янги, социалистик жамият қурилишининг барча босқичларида халқ бахт-саодати учун курашчиларнинг энг яхши анъаналарини ривожлантирмоқда. Бунда партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг иш услуби ва методларини яхшилашга ҳамиша катта аҳамият бермоқда. Партия режаларининг муваффақиятли бажарилиши, совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларининг қондирилиши кўп жиҳатдан кишилар билан ишлай билишга, ташаббускорлик, ахлоқий сифатларга боғлиқдир. Партия иқтисодий стратегиясининг олий мақсадини ва ўн биринчи беш йилликнинг асосий вазифасини муваффақиятли, амалга ошириш муайян даражада ана шунга боғлиқ.

Раҳбар ходимлар фаолиятида уларнинг шахсий сифатлари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар орасида энг муҳимларидан бири раҳбар камтарлигидир. «Правда» газетаси мухбирларининг яқинда эълон қилинган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов билан қилган суҳбатида шундай сўзлар бор: «Камтаринликни туғма эҳсон деб қараш ярамайди. Уни сабот билан, қунт билан парваришлаш лозим». Шундан сўнг Шароф Рашидович шундай дейди: «...Коммунистик тарбия— фазилат ва хислатларнинг йиғиндиси бўлмай, олижаноб қотишмадир. Бу қотишмадан ҳеч нарса —ғоявий қатъият ҳам, маънавий поклик ҳам ва ўз-ўзидан равшанки, камтарлик ҳам тушиб қолмаслиги муҳимдир».

1980 йил 16 ноябрда «Правда» газетасида «Правда» мухбирларининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов билан қилган суҳбати асосида «КПСС —совет сиёсий системасининг раҳбар ядроси» илмий-амалий конференциясида ҳар бир раҳбар учун зарур бўлган ана шу сифатлар ҳақида гап борди. Бу конференция пойтахтнинг Собир Раҳимов районида бўлиб, у «Раҳбарнинг камтарлиги» мавзуига бағишланди. Унда партия ходимлари, корхона, муассаса, ташкилот, ўқув юртлари раҳбарлари қатнашдилар.

Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари **З. Н. Абдураҳимов** «КПССнинг сиёсий, хўжалик ва маданий қурилишдаги раҳбарлик ролининг тобора ошиб бориши —ҳозирги даврнинг объектив қонуниятидир» мавзуида доклад қилди. У ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, янги беш йилликда сиёсий, хўжалик ва маданий қурилишда юксак натижаларга эришиш учун ҳар бир раҳбар ўзининг энг яхши фазилатларини намоён қилиши зарурлигини таъкидлаб ўтди. Булар орасида ташкилотчилик қобилияти, ҳар бир кишининг ўз ишига ижодий ёндошиши, ташаббускорлиги, аҳлоқий-психологик кайфият муҳим ўрин эгаллайди.

Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленумида шундай деган эди: «Инсонга эътибор бериб меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш партия, совет, хўжалик органлари ва албатта, касаба союзларининг бутун иш услубига сингиб кетиши лозим. Бундай муносабат ҳар бир катта ва кичик раҳбар ишининг ажралмас хусусияти бўлиб қолиши керак. Бизнинг совет турмуш тарзимизда бюрократизмга, дағалликка, кибр-ҳавога ўрин йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас». Камтарлик ҳар бир раҳбарнинг ажралмас хусусияти бўлиб қолиши керак.

Афсуски, деди докладчи, биз раҳбарларнинг камтарлиги тўғрисида, айниқса уларнинг қўл остидагилар ўз камтарликларини йўқота бошлаган ёки бутунлай йўқотган пайтларида тез-тез эслатиб турамиз. Ана шунда қалондимоғлик, ўзини мақташ, буйруқбозлик қилиш, ўз обрўсини конкрет иш ва инсонларга хизмат қилмай тўқиш ҳоллари равшан бўлиб қолади. Ш. Р. Рашидов «Правда» мухбирлари билан қилган суҳбатида сохта камтарлик тўғрисида тўхталиб, айрим раҳбарларнинг нокамтарлиги нималарга олиб келаётгани ҳақида айтиб ўтади. Бу ўз вазифасини суиистеъмол қилишга, ўзибўларчиликка, кўзбўямачиликка, мешчанлик психологиясига олиб келади. Район партия комитети, район жамоатчилиги нокамтарлик кўринишларига қарши қатъий кураш олиб боряпти. Бундай тарбиявий ишларга биринчи галда аҳамият бермоқда.

Бироқ ҳали шундай айрим раҳбарлар ҳам учрайдики, улар коллективни бошқаришнинг маънавий-психологик омилларини аҳамиятини тўла тушуниб етмайдилар, кишиларнинг кайфияти тўғрисида бош қотирмайдилар. Улар билан суҳбатлашганда эса қўпол ифодаларга йўл қўядилар. Бу эса конфликт ҳолларини келтириб чиқаради. Бошланғич партия ташкилотлари бундай аҳвол билан муроса қила олмайди.

Район партия комитети кадрлар билан иш олиб боришни биринчи галдаги вазифа деб билиб, уни мунтасил такомиллаштиришга эътибор беряпти. Шу йилнинг август ойидаги илмий-амалий конференцияда КПСС XXV съезди қарорлари асосида ўрта звено кадрлари билан ишлаш тўғрисида муфассал гап борди. Раҳбарлар состави билан ишлаш масалалари пленумларда, активларда, район партия комитети бюроларида бир неча марта кўриб чиқилди.

Совет раҳбарининг ишчанлик ва ахлоқий сифатлари ижодий ташаббускорликка, коллектив ўртасида туғилган янгиликларга, бошқа коллективлар ташаббусларига ўз вақтида кенг йўл очиб бериши билан ҳам белгиланади. Районда минглаб ишчилар ва хизматчилар меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида қатнашишяпти. Кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари, «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати», «Бир беш йилликда — икки беш йиллик топшириқни бажарамиз», ростовликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин», республикамизнинг ўн ишлаб чиқариш илғори ташаббусларини қўллаб-қувватладилар.

Афсуски, баъзи корхоналарда («Миконд», Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводи, «Компрессор» заводларида) бу ташаббус кенг қулоч ёйган бўлса, айримларида (агрегат ва чинни заводлари, ўйинчоқлар ва бош кийимлар фабрикаларида) бу ташаббус издошлари кам. Бунда корхона, қурилиш, муассасалар раҳбарларининг тутган позициялари аҳамияти оз эмас. Янгиликни ҳис этмаслик, раҳбарларнинг ўзларида ташаббускорлик етишмаслиги кўриниб турибди.

Раҳбарларни аттестациядан ўтказишда, улар фаолиятига характеристика берилганда, уларнинг шахсий ташаббускорлиги, шунингдек улар раҳбарлик қилаётган коллективлар ташаббускорлиги қай даражада эканлиги ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Конференция қатнашчилари кўтарилган масалалар муҳокамасида актив қатнашдилар.

Ш. УРАЗАЕВ,
ТошДУ партия комитети секретари.

— Камтар ўртоқни кўрганингда, у билан учрашганингдан қувонасан, унинг қалб гўзаллигидан фахрланасан, киши. Бундай кишилар эса доимо ёнимизда, сафимизда. Масалан, чинни заводи директори Абдурауф Альметович Иброҳимовни олайлик. Биз уни яхши биламиз, район партия комитети бюроси составида бирга ишладик. Яқинда мен бошқа ўртоқлардан унинг Давлат мукофоти лауреати, хизмат кўрсатган саноат ходими эканлигини билиб қолдим. Бу ўртоқ жуда камтар, меҳнаткаш, коллективнинг ўз мажбуриятларини бажаришга қараб фикр юритганда эса ажойиб ташкилотчи ҳам экан.

В. ФРОШГЕЙЗЕР,
«Геологоразведка» заводининг директори.

— Бизнинг унча катта бўлмаган коллективимиз партия ташкилотининг кадрларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан олиб бораётган иш тажрибаси тўғрисида гапириб шуни таъкидлаш кераккки, у асосий эътиборни ишда ленинча принципларга риоя қилишга қаратмоқда.

Партия бюроси партия касаба союз ва комсомол йиғилишлари, комиссия мажлислари, ишлаб чиқариш-оммавий комиссиянинг социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқишга бағишланган йиғилишлари ролини ошириш юзасидан тадбирлар белгилаб, амалга оширди. Айни пайтда «Средазкабель» бирлашмасининг топширилган иш учун ходимларнинг масъулиятини ошириш тажрибасини қўлладик.

Барча инженер-техник ходимлар учун лавозим инструкцияларига аниқлик киритилди, кўп ҳолларда у янгидан ишлаб чиқилди. Инженер-техник ходимларнинг шахсий ижодий план бўйича иш олиб боришлари юзасидан социалистик мусобақа кенг тус олди.

Х. АСОМОВ,
ТашЗНИИЭП институти директори.

— Раҳбар учун юксак маданият ва хизмат муносабатлари этикаси жуда зарур хусусиятлар бўлиши керак.

Бошқариш маданияти, бу — раҳбарнинг бурчи, ўз коллективининг ҳар бир аъзосига нозик муносабати ва ҳатто биз ўта шахсий сифатлар деб атайдиган ахлоқий поклик, ўзини тута билиш, қўл остидаги кишиларнинг сўзларига диққат билан қулоқ солиш ва бошқа хислатлардир.

Бюрократизм, юзакичилик коллективдаги маънавий иқлимга салбий таъсир кўрсатади. Бу оқибатда ишлаб чиқариш фаолиятьга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Меҳнатни пухта ўйлаб ташкил этиш ҳамда якка шахснинг жавоб бериши билан коллегиячиликнинг оқилона тарзда қўшиб олиб боришга ёрдам берадиган етарлича малака раҳбар ишидаги муваффақиятнинг гаровидир.

Кишилар билан маслаҳатлаша билиш, ўртоқларнинг, коллективнинг фикрини ўрганиш, актуал масалаларни биргаликда муҳокама этиш иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, план топшириқларини муваффақиятли бажаришнинг ҳал қилувчи омилларидир.

Н. БРАТЧИКОВА,
159-ўрта мактаб ўқитувчиси.

— Очиқ партия йиғилишларида, педагогика кенгашлари ва ота-оналар учун лекторийларда ёшларни аҳлоқий руҳда тарбиялаш ва уларда актив ҳаётий позицияни шакллантиришнинг актуал вазифалари мунтазам муҳокама қилиняпти. Бу вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчининг методик маҳоратига, унинг ғайратига, муомала маданиятига, камтарлигига, қанчалик киришимлилигига ҳамда меҳнатда ва жамоат ҳаётида шахсий намуна кўрсатишига боғлиқдир. Бизнинг кўпгина ўқитувчиларимиз ана шундай хислатларга эгадирлар. Масалан, мактаб партия ташкилотининг секретари Н. Анатольева, В. Русаков, Н. Колесниченко, Е. Красношчековларнинг номларини айтиб ўтишни истардим.

Коммунист-ўқитувчилар ҳар куни ўқувчиларга инсонийлик, пасткашликка, лоқайдликка муросасизлик сабоқларини беришяпти, ёшларни фақат сўз билангина эмас, балки шахсий намуна кўрсатиб тарбиялашяпти.

В. БУХМАСТОВ,
«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

— Ҳозирги шароитда, яъни халқ хўжалиги ривожлантиришнинг интенсив усулларига ўтиш ҳамма жойда амалга оширилаётган бир пайтда, иқтисодий фаолиятнинг бош омиллари самарадорлик ва сифат бўлиб қолган бир пайтда раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган коммунистларнинг роли беқиёс даражада ошиб кетди.

Ходимларни ишга тайинлаш ва уларни жой-жойига қўйишда, албатта, партия ташкилотининг фикри ҳисобга олинади. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина партия комитети таклифига кўра тўрт ёш коммунист цех бошлиғи лавозимига тайинланди. Улар ўз коллективларида муваффақиятли иш олиб боришяпти.

Мана, энди бунинг акси бўлган бошқа бир мисол. Узоқ вақтдан буён 2-фабрика коллективига А. Абрамян бошчилик қилди. У соҳамизда хизмат кўрсатган ходим, лекин у Шароф Рашидович айтиб ўтган раҳбарлар типига киради. Бундайлар четда туриб олиб, «Биз камтарин бир одаммиз, қаҳрамон бўламиз деб, ўзимизни ўтга ташламаймиз, кўкрак кериб лента қирқишга кўзимиз учиб тургани йўқ» деб минғиллашади». У жонини койитмасдан, ташаббус кўрсатмасдан ишлади. Соҳада кўп йил ишлаган ва иш тажрибаси орттирган бўлишига қарамай, партком тавсиясига кўра у раҳбарлик вазифасидан озод қилинди, фабрика директори қилиб бошқа бир ходим тайинланди.

Конференция қатнашчилари партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг иш услуб ва методларини яхшилашга қаратилган бир қатор тавсиялар қабул қилдилар ва шунга ишонч билдирдиларки, конференцияда кўриб чиқилган масалаларни муваффақиятли ҳал этиш «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981— 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан келиб чиқадиган муҳим вазифаларни бажаришга ёрдам беради.

А. ТЮРИКОВ.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Акмал Икромов ва Сергели районлари мусобақаси

ҲАР БИР КУН ЗАРБДОР БЎЛСИН!

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Акмал Икромов райони саноат корхоналари маҳсулот реализация қилиш бўйича 1980 йилнинг ўн бир ойлик планини 101,7 процент, Сергели райони 101,7 процент адо этдилар; ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 101,0 ва 102,3 процентларни, умумий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 102,9 ва 111,7 процентларни ташкил этди.

Акмал Икромов райони меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 101,1 процент, Сергели райони 103,9 процент бажарди; меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,6 ва 104,0 процентларни ташкил этди. Акмал Икромов районида шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳажмининг 55,2 процент ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди. Сергели районида бу кўрсаткич 36,7 процентни ташкил этди.

Мусобақадош районларда барча корхоналар маҳсулот реализация қилиш планларини бажардилар. Акмал Икромов районида битта корхона, Сергели районида тўртта корхона ишлаб чиқариш топшириқларини бажаролмади. Акмал Икромов районида 2 та, Сергели районида эса 5 та корхона меҳнат унумдорлигини ўстириш планини уддалолмади.

Акмал Икромов райони саноат корхоналари январь-ноябрь ойларида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш планини 100,9 процент, Сергели райони 101,6 процент бажарди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Сергели районида 197 процентни, Акмал Икромов районида эса 99,3 процентни ташкил этди.

Акмал Икромов районида 3 цех, 6 участка, 12 бригада (58 ишчи), Сергели районида 10 цех, 9 участка, 15 бригада (35 ишчи) ўтган ой планини бажаролмади.

Акмал Икромов райони қурилиш-монтаж ишлари планини (марказлашган молиявий манбалар) 65 процент, Сергели райони 88 процент бажарди. Сергели райони қурувчилари турар жойни фойдаланишга топшириш бўйича январь-октябрь ойлари топшириғини 80 процент бажардилар. Акмал Икромов райони эса топшириқни бутунлай бажаролмади.

Йилнинг қолган ҳар бир кунини Акмал Икромов ва Сергели районлари меҳнат коллективлари зарбдор меҳнат билан якунламоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори ва мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улкан программасини ўзида мужассамлаштирган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981— 1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси меҳнат коллективларида юксак сиёсий-меҳнат кўтаринкилигини вужудга келтирди.

Акмал Икромовликлар ва сергелиликлар «КПСС XXVI съездига —26 зарбдор ҳафта» шиори остидаги съездолди зарбдор ҳафтасида актив иштирок этиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва товар маҳсулот реализация қилиш бўйича ўн бир ойлик топшириқларини муваффақиятли адо этдилар. Улар биргаликда пландан ташқари 4 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардилар ва реализация қилдилар.

Ҳар икки районда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир мунча ўсди. Айниқса, бу борада сергелиликлар катта сакраш қилдилар. Уларнинг январь —ноябрь ойларидаги ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръати шаҳарда энг юқори кўрсаткични 111,7 процентни ташкил этди. Районда янги ишлаб чиқариш қувватлари, жумладан, ошхона мебеллари заводида муваффақиятли ўзлаштирилмоқда.

Акмал Икромов райони меҳнаткашлари ўтган ўн бир ой мобайнида социалистик мажбуриятларини 30 минг сўмликка ошириб бажардилар. Унда булка — кондитер комбинати, заргарлик заводи, «Чевар» тикувчилик бирлашмаси коллективларининг ҳиссалари каттадир. Бинобарин, улар йиллик программани ва беш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Меҳнат коллективлари бундай муваффақиятларга ишлаб чиқариш резервларидан оқилона фойдаланаётганликлари туфайли эришмоқдалар. Бу ерда янги техника, илғор технология жорий этилмоқда. Жумладан, фақат кейинги ярим йил мобайнида «Чевар» бирлашмасида 26 та универсал ва махсус мосламалар, 50 та кичик механизация мосламалари ўрнатилиб, ишга туширилди, агрегат группа потоги жорий этилди. Уларнинг ҳаммаси бу йил ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришни қарийб миллион сўмликка, давлат Сифат белгиси билан буюмлар тайёрлашни 2,5 баравар кўпайтириш имконини берди.

Булка-кондитер комбинатида технологик жараёнлар мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. Кўплаб янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўзлаштирилди. Маҳсулот сифатини яхшилаш борасида ҳам катта ишлар олиб бориляпти.

Сергели райони корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада 243-авиаремонт корхонаси, металл конструкциялари ва махсус монтаж заготовкалари, махсус мебель заводлари, «Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик бирлашмаси коллективлари юксак натижаларга эришяптилар. Мазкур ва бошқа бир қатор корхоналар районда биринчилар қатори беш йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Ноябрь ойида Ўзбекистон сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бир мунча ўзини ўнглаб олди. Бу ерда хом ашё билан таъминлаш бир мунча жонланди. Натижада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўн бир ойликда фақат қарздан қутулибгина қолмай, балки улар пландан ташқари 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Бироқ, Сергели райони меҳнат коллективлари ишида ҳали кўпгина нуқсон ва камчиликлар бор. Бу районнинг КПСС XXVI съезди шарафига январь— ноябрь ойларида қабул қилган социалистик мажбуриятини — маҳсулот реализация қилиш бўйича 300 минг сўмликдан зиёд буюмлар тайёрлаш топширигини бажаролмаганлиги билан ҳам изоҳланади.

Районда моддий-техника таъминоти яхши эмаслиги натижасида резина-техника буюмлари, қуёш тўсқич мосламалари, транспорт қурилиши министрлигининг ремонт механика заводлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планларини бажаролмадилар. Мана бир неча ойдирки, мазкур корхоналар ўз имкониятлари даражасида ишлаёлмаяптилар. Сергелидаги «Вторчермет» заводи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни бажарилишини таъминлай олмади. Бугунги кунда бу корхонани техника жиҳатдан қайта қуроллантириш талаб этилмоқда. Эски дастгоҳлар тез-тез бузилиб, ишдан чиқмоқда, эҳтиёт қисмлар эса етишмайди. Бузилган дастгоҳлар соатлаб беҳуда туриб қолмоқда.

Сергели райони маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича бир мунча юқори курсаткичга эришди ва бу техник-иқтисодий курсаткич буйича ун бир ойлик планни муваффақиятли бажарди. Бироқ, сифатнинг олий категориясида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг жуда оз қисмини—атиги 3 процентни ташкил этади.

Акмал Икромов районидаги миллий чолғу буюмлари фабрикасида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш курсаткичи (95,2 процент) жуда ҳам паст. Шунингдек, ўтган ойлардаги ишчиларнинг маҳоратининг етишмаслиги, моддий-техника таъминоти дуруст эмаслиги каби камчиликлар ҳамон такрорланмоқда. Фабрика ўн бир ой давомида юз минг сўмлик маҳсулотни етказиб беролмади, ишлаб чиқариш ҳажми камайди.

«Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, сут комбинати, ўз социалистик мажбуриятини бажармаяпти. Сут комбинати маҳсулотлар хили бўйича белгиланган программани уддалай олмаяпти. У ўн ой давомида товар маҳсулот ишлаб чиқаришни 80 минг сўмликдан зиёдга қимматлаштириб юборди.

Ҳар бир кун бизни янги йилга яқинлаштирмоқда. Йиллик планни муваффақиятли бажариш учун барча куч ва имкониятларни мавжуд камчиликларни бартараф этишга сарфлаш, энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга йўналтириш лозим. Бунинг учун илғорлардан ўрганиш керак. Районда жуда кўп ишлаб чиқариш илғорлари, пешқадам коллективлар бор. Улар йиллик планни муваффақиятли бажариб, 1981 йилнинг биринчи квартал планини 23 февралгача яъни КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача бажариш бўйича бошланган ватанпарварлик ташаббусига қўшилишди. Жумладан, Сергели районида бу ташаббусга биринчилардан бўлиб ошхона мебеллари заводининг йиғиш цехининг меҳнаткашлари, 7-таксопаркнинг 190 дан зиёд ҳайдовчиси, қуёш тўсқич мосламалар заводидаги металлга ишлов бериш цехининг Н. Коношенко етакчилик қилаётган штампчилар бригадаси, резина-техника буюмлари заводидаги И. Носиров етакчилик қилаётган бригада ва бошқалар қўшилишди. Бу пешқадам коллективларда ишчи вақти юқори қадрланади. Улар бир маромда самарали меҳнат қилишни билишади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЕР БАҒРИ РАЗВЕДКАЧИЛАРИ

ПРАГА. Чехия геология бошқармасининг бошлиғи Йозеф Правда ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: «Чехословакия геологлари бу йил мамлакатнинг ёқилғи хом ашё базасини ривожлантиришга каттагина ҳисса қўшдилар.

Ер бағри разведкачилари Слани шаҳри районида кўмир конини фойдаланишга тахт қилиб қўйдилар, Френштат яқинида кон топиб уни тадқиқ этдилар. Ана шу тошкўмирнинг запаслари 500 миллион тонна, деб чамаланмоқда. Улар республиканинг бошқа қисмларида ҳам бир қанча ер ости хазиналарини разведка қилдилар.

Янги конлар ёқилғи шу тури запасларини тўлдириб, келгуси беш йилликда кўмир қазиб чиқаришни пландаги даражада сақлаб қолиш имконини беради. Бу ЧССР халқ хўжалиги учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг қаттиқ ёқилғи турлари қазиб чиқаришни кўпайтириш ва ўзининг шундай ёқилғи ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш йўлига мос бўлиб тушади.

Куба Республикаси тўғри йўлдан социалистик жамият қурилиши томон дадил қадам ташламоқда. Мамлакатнинг социал-иқтисодий қайта шаклланиши Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан бўлган дўстона алоқа ва ҳамкорликнинг тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Халқ ҳокимияти йилларида кубаликлар халқ хўжалиги, маориф ва соғлиқни сақлаш бўйича катта муваффақиятларга эришишди.

СУРАТДА: социалистик Кубанинг пойтахти Гавана. ТАСС фотохроникаси.

ХИЛМА-ХИЛ ЭЛЕКТРОНИКА

СОФИЯ. Ҳозирги пайтда Болгария электроника саноати қудратли трансформаторлардан тортиб магнитофонлар учун микродвигателларгача хилма-хил буюмлар ишлаб чиқармоқда. БХР халқаро «Интерэлектро» ташкилоти доирасида подстанциялар, программа билан бошқариладиган станоклар учун электр ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда, приборлар ва материалларнинг янги турларини ишлаб чиқишда қатнашмоқда. Чунончи келгуси беш йилликда мамлакат корхоналари замонавий электр приборлари учун мўлжалланган кўп қатламли «полифол» изоляцияси ишлаб чиқаришни ўзлаштиради.

Ҳамкорликнинг янги босқичи

ДЕҲЛИ. Қора металлургия, машинасозлик, энергетика ва давлат секторининг бошқа муҳим тармоқлари соҳасидаги Совет— Ҳиндистон ҳамкорлиги янги босқичга кирди, деб ёзади Ҳиндистондаги «Жан юг» газетаси. СССР билан Ҳиндистон ўртасида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстлик визити давомида тузилган иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ совет мутахассислари металлургия ва машинасозлик корхоналарини ривожлантириш марказидаги ҳинд ҳамкасблари билан биргаликда Бхилаи, Дургапур ва Ранчида СССРнинг иқтисодий ва техникавий кўмаги билан қурилган корхоналарни модернизация қилиш ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш соҳасидаги муҳим вазифани амалга оширишга киришдилар. Жумладан, Бхилаи металлургия комбинатида бир қанча янги технология жараёнлари, шу жумладан пўлат қуйишнинг янги жараёни жорий этилади, яна бир конвертор цехи қурилади. Ўртага қўйилган вазифаларнинг ҳал этилиши пўлат эритишни йилига бир ярим миллион тонна кўпайтириш имконини беради.

Уттар — Прадеш штатининг Синграули шаҳрида 1 миллион киловатт қувватли катта иссиқлик электр станцияси қурилиши, шунингдек мазкур районда ёқилғибоп кўмир қазиб чиқарадиган иккита шахта ва кўмир бойитиш фабрикаси қурилиш Совет— Ҳиндистон ҳамкорлигининг бошқа бир муҳим объекти бўлиб қолади.

Совет ва ҳинд мутахассислари меҳнат қилаётган объектлар Ҳиндистонда ҳақли равишда илғор тажриба мактаби, деб аталмоқда. Янги битимга мувофиқ юзлаб ҳинд ишчилари ўқув юртлари ёки бевосита қурилиш майдонларининг ўзида юксак касб-кор малакасини оширадилар. Уларнинг кўплари Совет Иттифоқида тажриба ўрганади.

ИЛҲОМБАХШ ВАЗИФАЛАР

ВАШИНГТОН. КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси — совет халқи олдига мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг илҳомбахш вазифаларини қўювчи ҳар томонлама пухта ўйлаб, асослаб тузилган ҳужжатдир, бу вазифаларнинг бажарилиши СССРнинг саноат потенциалини анча мустаҳкамлайди ва совет кишиларининг турмуш даражасини оширади, деди Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо-сотиқ кенгашининг ижрочи директори Макс Берри ТАСС мухбири билан суҳбатда.

СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари савдо-саноат доираларининг вакили бўлганим учун мени айниқса, тўлқинлантиради, деди сўзининг охирида М. Берри. Қўшма Штатларда янги маъмурият ҳокимият тепасига келгач, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда вужудга келган муаммолар ҳал этилади ҳамда ўзаро манфаатли савдо-сотиқни анча кенгайтириш учун бир мунча соғлом сиёсий муҳит вужудга келади, деб умид қиламан. Бундан иккала томон наф кўриши шубҳасиз, деб таъкидлади М. Берри.

Қўл меҳнатидан воз кечиб

«Узплодоовощвинпром» бирлашмасига қарашли С. М. Киров номли Андижон аграр-саноат комбинатида қуруқ мева тайёрлаш ишларининг ҳаммаси механизациялаштирилган. Бу ерда мева ва узумнинг майиз бўладиган навларини қайта ишлайдиган янги цех қурилди. Сернуум механизмлар билан таъминланган конвейер қуруқ мева тайёрлашнинг ҳамма босқичларида қўл меҳнатига батамом барҳам берди.

Эндиликда комбинат чиқитсиз ишлаш технологиясига тўла, тўкис ўтди. Келгуси беш йилликда янги цех негизида қуруқ мева ишлаб чиқарадиган механизациялашган йирик завод қуриш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ГЎДАКЛАР РАНЖИМАСИН»

Газетанинг 5 декабрь сонидаги юқоридаги сарлавҳали материалда Чилонзор районидаги 1-болалар сут маҳсулоти фабрикаси қониқарсиз ишлаётгани, оналар қийналаётгани танқид қилинган эди.

Сут маҳсулоти фабрикасидан олинган жавобда қуйидагилар кўрсатилди: Газета материали шаҳар ва район соғлиқни сақлаш идораларининг раҳбарлари иштирокида фабрикада муҳокама этилди. Айбдор ходимларга нисбатан маъмурий чора кўрилди.

Болаларни сут маҳсулоти билан мунтазам таъминлаб туриш учун шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси автобазасидан қўшимча яна битта транспорт ажратилди. Автобазада транспорт ҳаракати графиги тузилди. Фабрикада маҳсулот сифати юзасидан назорат кучайтирилди.

«ЭСДАН ЧИҚҚАН КЎЧАЛАР»

Шу сарлавҳа остида босилган материалда Ғафуров ва Авангард кўчаларининг кўпгина проездларидан ахлат вақтида олиб кетилмаётгани танқид қилинган эди.

Шаҳар Автодормехбазасидан олинган жавобда бу масала юзасидан чора кўрилгани, кўчалар тартибга келтирилгани маълум этилди. Шунингдек, ахлат ташувчи машиналар иши назорат остига олинди.

«ҚУЛАЙЛИК ЙЎҚ»

Шу сарлавҳали материалда 54-, 3-автобусларнинг сўнгги бекатида соябон йўқлиги, скамейкалар қўйилмаганлиги танқид қилинган эди.

Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармасидан олинган жавобда кўрсатилишича, юқоридаги автобусларнинг сўнгги бекатига скамейкалар қўйилди. Соябон ўрнатиш масаласи мутасадди ташкилотлар олдига қўйилди.

• *Фан оламида нима гап?*

ЖАҲОНДА БИРИНЧИ

✦ Хазиналар туганмасми? ✦ Ер остидаги олов ✦ Маъданлар қандай ҳосил бўлади? ✦ Зилзила сабаблари аниқ бўлади

Маълумки, инсон ер юзида пайдо бўлган кундан бошлаб уларнинг ҳаёти турли-туман фойдали қазилмалар билан боғланди ва бу узвий боғланиш ҳамон давом этмоқда. Агар одамлар ўзларининг ҳаёт тонгида биринчи бўлиб туз ва турли гилларни таниган бўлса, ҳозирги кунда нодир ва ноёб элементлардан ҳам ўз ҳаётида баҳраманд бўлмоқда. Чунончи ер бир неча миллиард йиллик ҳаётида кўплаб минерал хом ашё запасларини яратди. Лекин ҳозирги кунда Ер радиусининг озгина қисмини ташкил этган тош қатламгина инсонлар учун фойдали қазилмаларнинг потенциал базаси сифатида хизмат қилмоқда.

Кишилар узоқ асрлар давомида 19 элемент ва уларнинг бирикмаларидан фойдаланган бўлсалар, XVIII асрга келиб бу элементлар сони 28 тага, XX асрда — 59 тага, ҳозирги кунда эса 100 га етди. Бунинг устига ҳозирги кунда ҳар қандай катта ёки кичик давлатнинг куч-қудрати уларнинг ер бағрида топилган фойдали қазилмаларнинг умумий ҳажми ва миқдори билан аниқланмоқда. Бас, шундай экан, ана шу турли-туман фойдали қазилмаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ер бағрида тарқалиш қонунлари ҳамда умумий запаслари ҳақидаги маълумотлар геолог-олимлар олдида турган катта жумбоқдир.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда ернинг ўта чуқур қатламларида суюқ ва қаттиқ фойдали қазилмаларни учратиш муаммо бўлса ҳам, у зоналар ернинг устки қобиғида ҳосил бўлган ва бўлаётган минерал хом ашёлар «пишадиган» асосий «қозон» ёки уларнинг илдизи бўлиб хизмат қилади. Геолог олимларга маълумки, ернинг ўзагида ва мантиясида Менделеев системасининг ҳамма элементлари турли физик ҳолатларда сақланади. Улар вулқон ҳаракатлари, тоғ ҳосил қилувчи кучлар ва ер сатҳининг доимо эмирилиб туриши туфайли, геологик вақтлар ўтиши билан ер юзасига яқинлашади ва бир физик ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб, химиявий реакциялар туфайли минерал хом ашёларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Зикр этилган фикрлар шундан далолат берадики, ер фойдали қазилмалари маълум даражада ўлчовлидир ва айни бир вақтда ўлчовсиздир.

Масаланинг ажабланарли ери шундаки, фан-техника замонамизда қанчалик тараққий этганлигига қарамай, биз геологлар она-Еримизнинг ичкари қисмини жуда ҳам оз биламиз. Чунки сайёрамиз радиуси 6371 километрга тенг деб олсак, биз унинг фақатгина озгина— тепасидаги юқа — 3-4 километрли қатламидангина металл сақлаган тоғ жинсларини шахталар ёрдамида, 7—8 километрли чуқурликдан эса нефть-газ қазиб олмоқдамиз.

Шулар қатори сайёрамиздаги, содир бўлаётган даҳшатли вулқонлар ва зилзилалар сири-асрори ҳанузга қадар узил-кесил очилгани йўқ. Комплекс геофизик методлар ёрдамида, қиёсий далиллар асосида еримизнинг тош қатлами деб аталмиш литосферанинг 200 километрли чуқурлигидаги тоғ жинсларининг ҳақиқатга яқин бўлган физик хоссаларинигина биламиз, холос. Булар ичида ишонарли маълумотлар эса 16—20 километр чуқурликларга тааллуқлигини айтсак, еримиз ичкариси ҳақидаги ҳозирги замон тушунчаларимиз нақадар юзаки эканлигига ҳамма ишонч ҳосил қилса керак деган умиддаман.

Шундай қилиб, сайёрамиз — Ернинг тузилиши ҳақидаги ҳозирги мавжуд фаразиялар турли геофизик ва астрономик ўлчовларга асослангандир. Шу ўлчовларга кўра 10—75 километр чуқурликда ер мантиясининг юқори чегараси ётади, деб тахмин қилинади. Ер мантияси унинг устида ҳосил бўладиган рудали моддалар ва қудратли иссиқлик оқимлари учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ана шу мантия ичида қудратли вулқонлар ва даҳшатли ер қимирлашларининг ўчоғи пайдо бўлади.

Ер қобиғи ва мантиясини батафсил ўрганиш ер ичкарисида содир бўладиган ҳамма рудаларнинг пайдо бўлишидан тортиб, ер қимирлашларининг қонуниятларини очишда ва умуман еримиз ҳақида фундаментал ишлар яратишда бирдан-бир восита эканлиги кўпчиликка аён бўлса керак.

Ўта чуқур парма-кавакларини ковлаш геологлар олдида турган ва келгусида ҳал этилиши зарур бўлган улкан проблемаларнинг бир парчаси, холос. Бу ишлар билан ер бағрида ўта чуқурликларда яшириниб ётган минерал хом ашёларини, энергия манбаъларини ўрганиш ва ўзлаштириш йўлида қўйилган ва фанга асосланган биринчи қадамлардан биридир. Ўз-ўзидан шу нарса равшанки, биз ер бағрига қанчалик километр орқасидан километрлаб кириб борар эканмиз, бизнинг ер ҳақидаги тушунчамиз шунчалик чуқурлашади ва кенгайиб бораверади. Бу ўз навбатида еримизда яшаётган одамларнинг минерал хом ашё ва энергия манбаларига эҳтиёжи тобора кенгайишига аниқ истиқболлар яратади.

Умуман олганда, 6-7 километрли ер парма-каваклари эришиш замонамизнинг буюк ҳодисаси ва ютуғи, уларнинг чуқурлиги 9 километрдан ошиб кетиши эса яна ҳам улуғвор ишдир. Дунёда ана шундай ўта чуқур парма-каваклари учта: иккитаси АҚШда (чуқурлиги — 9.583 ва 9.150 метр). Америкаликлар парма-каваги бўш чўкинди жинсларда ковланган бўлса, Кольск парма-каваги қаттиқ-кристалл тоғ жинсларида қазилганидир. Иккала тоғ жинсида ҳам қазилган парма-каваклари бениҳоя катта техник қийинчиликлар билан боғлиқ бўлади. Умуман олганда табиат ва жумладан унинг ер ости-чуқурликлари ўзининг сирини очишни инсонларга осонгина ҳадя қилавермайди. Бу кўпчиликка аён воқеадир, албатта. Америкадаги Аклохома рекорд ер кавагини қазиш 9583 метр чуқурликда, фавқулодда унинг остига эриган олтингугуртнинг оқиб чиқиши туфайли тўхтатилди. Бу ер парма-каваги остида юқори қатламнинг катта босими ва 200 даража цельсий ҳарорат мавжуд эди.

Сайёрамизда ўта чуқур парма-кавакларини ковлаш ғояси пайдо бўлганига анча вақтлар ўтди. Лекин бу ғоя 1958 йиллардан бошлаб амалий равишда тайёрланди ва турли лойиҳалар тузилди. Шу мақсадлар юзасидан СССРда «Ер бағрини текшириш ва ўта чуқур бурғилаш» ташкилотлараро илмий Кенгаш ташкил этилди. Унга 20 дан ортиқ министрликлар ва СССР Фанлар академиясининг вакиллари киритилди.

Кола парма-кавагининг қандай аҳамияти бор? Биринчидан, дунёда биринчи бўлиб ва ҳеч ким қила олмаган ишлар бажарилди, ҳозирча қадимий ер қобиғининг тик кесими сантиметрлаб қазилди ва ундан ажратилган — 10 километр қалинликка эга бўлган тоғ жинслари қўл билан ушланди ва текширилди: ўта чуқурликда ётган тоғ жинсларининг хоссалари ҳақида биринчи маълумотлар олинди. Натижада мавжуд фикрлар ва ер қобиғининг геофизик модель тузилиши ва бошқалар қайта текширилди ва аниқланди. Қизиғи шундаки, бу ерда учратилган чўкинди- вулқоний жинслар геохимик жиҳатдан ҳозирги кунда Атлантик океани ўртасидаги рифт зонасида океан остидан отилиб чиқаётган чўкинди-вулқоний жинсларга монанд бўлмоқда.

Кола парма-каваги дунёда биринчи бўлиб сейсмик тўлқинларнинг тезлигини кескин ўзгартирадиган горизонтал чегарасини ҳам кесиб ўтди. Илгариги ер кесими моделларида бу чегара ер курраси бўйича гранит ва базальт қатламлари орасида жойлашган деб уқтирилар эди. Ваҳоланки, бу чегара (Конград юзаси) юқорироқда жойлашган бўлиб чиқди.

Парма-каваги чуқурлашган сари назарий томондан кутилган— тоғ жинсларининг физик ҳолати — зичлиги, тўлқин тарқатиш хоссаси ва бошқа параметрларнинг ўзгариши содир бўлмади. Бинобарин, бу олинган янги материаллар ер қобиғи ва унинг юқори мантияси тузилишининг янгича моделини тузишга ёрдам беради, геофизик маълумотларни янгича талқин қилишга асос бўлади, ернинг ўта чуқурликларида жойлашган модда ҳолатларини аниқлай оладиган янги асбоб-ускуналар яратишга имкон беради. Баъзи бир олимларнинг ҳозирги кунларгача ҳукмрон бўлган ернинг ўта чуқур жойларида рудали тоғ жинслари ноёб ва руда ҳосил қилиш жараёнлари суст бўлади, деган фикрларини Кола ўта чуқур парма-каваги рўйи-рост рад этди.

Парма-кавагида 17 хил тошқотган микроорганизмлар учратилди. Бу, планетамизда 2 миллиард йил бундан олдин тараққий этган органик дунё ҳақидаги яққол далилдир. Парма-кавак бўйича ва унинг 3000 метр чуқурлигига қадар ер ҳарорати олдиндан башорат қилинганича ҳар 100 метрда 1 даража Цельсийга ошиб борди. Бундан пастда эса кутилмаганда ҳар 100 метрда 2,5 даража цельсийга ошди. Натижада 10 километр чуқурликда бу ошиб бориш 100 даража цельсий ўрнига 180 даража цельсийга етди. Бу— ернинг бундан ҳам остки қатламларидан оқиб чиқаётган ҳароратга боғлиқ бўлса керак, албатта. Шунинг учун ҳам парма-кавагига бурғиларни қизишиб кетишдан сақлаш мақсадида киритилган совуқ сувлар, қайтганда парма-кавак оғзида 45 даража цельсийга эга эди.

Кола ўта чуқур парма-кавагидан олинган бу ашёвий далиллар «хамир учидан патир» холос. Улар мажмуаси ер ҳақидаги фан-геологиянинг фундаментал проблемаларини ҳал этишда катта роль ўйнаши муқаррар. Космосни ўзлаштириш ва ўта чуқур ер парма-кавакларини қазиш Иттифоқимизнинг техник қудратидан ва фанимиз тараққиётидан яққол мисолдир.

Навбатдаги ўта чуқур парма-каваклари аста-секин навбат билан Уралда, Тянь-Шанда, Ғарбий Сибирда, «олов»ли Камчаткада ва СССРнинг сейсмоактив зоналарида қазилади. Булар асосида тоғларнинг илдизига, руда конларининг бошланғич жойларига ва Ғарбий Сибирдаги нефть-газ конларининг пайдо бўлиш асосларига «кўл солинади» ва уларнинг шу кунгача ҳал бўлмаган жумбоқлари устида бош қотирилади ва ечилади. Бу ўз навбатида олимлардан ва конструкторлардан янги пўлат навларини яратишни ҳамда автоматик, бурғилаш ускуналарини яна ҳам такомиллаштиришни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, ўта чуқур парма-каваклардан олинган янги маълумотлар ер куррасида инсонлар учун минерал хом ашё ресурсларининг янги истиқболларини очиб берди ва келгусида бу ишлар яна ҳам янги босқичларга кўтарилади.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори.

Шаҳримизнинг Ўзбекистон 50 йиллиги проспектида абонемент йўли билан китоб олиш магазини ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай абонементлар сони тобора ортиб боряпти. Ҳозир магазинда 150 минг абонемент рўйхатга олинган.

СУРАТДА: илғор сотувчи, социалистик мусобақа ғолиби Нина Ураева навбатдаги абонементга хизмат кўрсатаяпти. Ҳ. Мирзакаримов фотоси

• *Билим юрти — 50 ёшда*

МУРАББИЙЛАР МАСКАНИ

Н. К. Крупская номидаги Республика мактабгача тарбия педагогика билим юрти 1930 йилда Зебинисо номидаги мактаб базасида ташкил топган. Бу билим маскани йилдан-йилга ривожланди. Агар билим юрти ташкил топган даврда унда таълим олган ўқувчилар сони 120 киши бўлса, 1977 — 1978 ўқув йилида бу рақам 1200 га етди. Ҳозир эса билим юртида икки ярим минг ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Ўтган ўқув йилида салкам 500 ўқувчи билим юртининг кундузги бўлимини, 300 ўқувчи сиртқи бўлимини битирди.

Билим юртининг ўқув-моддий базаси ҳам йил сайин бойимоқда ва мустаҳкамланмоқда. Эндиликда у ҳозирги замон талабларига мослаб қурилган тўрт қаватли ҳашаматли бинога — ўқув корпуси, ётоқхона ва бошқа қўшимча биноларга эга. Ўқитиш асосан кабинет системасида олиб борилади. Намунали жиҳозланган ижтимоий фанлар, педагогика, психология, анатомия, физиология кабинетлари ўқувчилар хизматида. Нутқ ўстириш, болалар адабиёти, рус, ўзбек тиллари ва адабиёти, химия ва биология, физика ва математика ўқитиш методикаси кабинетлари бўлажак мактабгача тарбия мутахассисларининг билим асосларини пухта эгаллашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Педагогик практика, табиат, уй-рўзғор ишлари методикаси, лингафон, техника воситалари кабинетларини айтмайсизми! Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг илмий-назарий билимларини ва амалий малакаларини оширишга хизмат қилмоқда.

Эллик йил мобайнида билим юртида катта, ишчан ва аҳил педагогик коллектив ташкил топди. Ҳозир билим юртида 177 ўқитувчи, методист, тарбиячи меҳнат қилмоқда. Уларнинг деярли барчаси олий маълумотлидир.

Педагогик коллектив, айниқса шу кунларда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун қизғин меҳнат қилмоқда. Билим юрти маъмурияти, бошланғич партия ташкилоти педагогик коллективни меҳнат зафарлари сари илҳомлантирмоқда, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Ташаббускор ўқитувчилар ўқувчиларга пухта, чуқур билим бериш, уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш, амалий малакаларини ошириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Билим юртининг тарихи, унинг фаолияти ҳақида гапирганда, ўзининг фидокорона меҳнати билан алоҳида ҳурмат-иззатга сазовор бўлган кекса педагогларни эсламай ўтиш мумкин эмас. Ана шундай ташкилотчи маорифчилардан бири — республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Тожихон опа Алимовадир. У билим юртининг ветеран-педагогларидан ҳисобланади. Бу ажойиб аёл ўзининг меҳнат фаолияти давомида халқ маорифи учун кадрлар етиштириш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Тожихон опа Тошкент педагогика билим юртига директорлик қилган вақтлардаёқ маориф ходимлари, ўқитувчи, тарбиячилар етиштиришда ташаббускорлик кўрсатди. Хусусан, ўзбек хотин-қизларидан маърифатли, билимдон, илмий-назарий жиҳатдан билимли ва малакали кадрлар етиштириб чиқаришда астойдил меҳнат қилди. Бу тажрибакор педагог мазкур педагогика билим юртида 30 йилдан ортиқ вақт директорлик вазифасида ишлаб, катта обрў-эътиборга муяссар бўлди. Ветеран-педагогнинг кўксида порлаб турган Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, қатор медаллар ва қилган хизматларнинг ёрқин далилидир.

Муҳаммаджон Солиев билим юртида кўп йиллар давомида ҳалол меҳнат қилиб, педагогик коллективнинг таълим-тарбия соҳасидаги самарали фаолиятига ўзининг муносиб улушини қўшган мураббий педагоглардандир. У халқ маорифи соҳасида 40 йил ишлаган бўлса, шундан 25 йилдан ортиқ давр ана шу педагогика билим юртида узлуксиз илмий бўлим мудирлиги вазифасида меҳнат қилди. Бу ветеран-педагог халқ маорифи соҳасидаги хизматлари учун республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи деган унвонга сазовор бўлган. Билим юртида Т. Пўлатов, Л. Г. Савинадек, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар Т. Абдураҳмонов, Е. Миргалиева, Ш. Салаев, О. Зокирова, Н. Б. Клаус, М. Рихсиева, Т. Сморчикова, Т. Шокирова каби 30 дан ортиқ Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочилари меҳнат қилиб, самарали натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Н. К. Крупская номидаги Республика мактабгача тарбия билим юрти коллективи ўзининг тарихий даврида, хусусан, кейинги йилларда улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Билим юрти директори Озодахон Жумабоева ҳозирда катта коллективга раҳбарлик вазифасини моҳирона бажармоқда. Ўзининг бутун кучини, билим ва маҳоратини етук педагог-тарбиячилар тайёрлаш ишига сарф этмоқда.

Биз бу педагогик билим даргоҳининг шонли 50 йиллиги муносабати билан унинг барча ўқувчилари ва муаллимларини самимий қутлаймиз, муборакбод этамиз. Катта коллектив ишига янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз.

А. ПЎЛАТОВ,
педагогика фанлари кандидати.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

О. РИЗАЕВ: Айтингчи, ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан йигит ва қизларга қанча муддатга отпуска берилади?

Жавоб: Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига улар ўқишни тугаллаганларидан сўнг бу ёшлар ишга йўлланма олган корхоналар, қурилишлар, совхозлар ва ташкилотлар ҳисобидан отпуска берилади. 18 ёшга тўлмаган шахсларга бир ой миқдорида отпуска бериш белгиланган. Бошқа битирувчиларга эса улар танлаган касби, ихтисослик ходимлари учун корхоналарда белгиланган муддат ҳажмида отпуска берилади.

∴ ∴ ∴

Б. ШЕРҚЎЗИЕВ: Истиқомат қилиб турган уйларга ўрнатилган радиоточкалар ишламай қолган ҳолларда қайси ташкилотга мурожаат қилиш керак?

Жавоб: Шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда шаҳримизнинг ҳар бир районида радиоузель бўлимлари ишлаб турибди. Агар уйингизда радиоточкалар ишламай қолса, шу бўлимга мурожаат қилинг. Адресингизни қолдирсангиз усталар уйингизга бориб репродукторларни ишлатиб беришади. Шундай радиоузеллардан бири Махсидўзлик кўчасида жойлашган.

∴ ∴ ∴

М. ЮСУПОВА: Медицина ҳамширалиги бўйича ўқишга кирмоқчи эдим. Шаҳримизда шундай касб эгаларини тайёрлайдиган билим масканлари борми?

Жавоб: Шаҳримизда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда медицина ҳамшираларини тайёрлайдиган курслар йўқ. Лекин Охунбобоев номидаги республика медицина билим юрти ва Боровский номидаги Тошкент медицина билим юртида юксак малакали мутахассислар тайёрланади. Ўзингизни қизиқтирган масалалар хусусида, бу билим юртига қабул шартлари тўғрисида билмоқчи бўлсангиз ана шу билим юртларининг маъмуриятига учрашишингиз мумкин.

∴ ∴ ∴

К. ШАМСИЕВ: Мени бир масала қизиқтиради: айтингчи, боқувчисидан айрилган ҳолларда оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кимларнинг номига ёзиш ва кимга топшириш керак?

Жавоб: Боқувчисидан айрилган ҳолларда оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза вафот этган оила бошлиғи сўнгги вақтларда ишлаган корхона, ташкилот ёки муассасанинг маъмурияти номига ёзилиши керак. Маъмурият эса ўз навбатида маҳаллий комитет билан биргаликда ўн кун ичида керакли ҳамма ҳужжатларни расмийлаштиради ва уни ариза берган киши истиқомат қиладиган жойнинг социал-таъминот бўлимига ўтказади. Бошқа расмийлаштириш ишлари шу социал-таъминот бўлимида бажарилади.

∴ ∴ ∴

Н. МИРДАДАЕВ: Шаҳримизда аҳоли буюртмаси бўйича мебеллар тайёрлайдиган, рўзғорда ишлатиладиган диван ва стулларнинг ғилофларини янгилаб берадиган махсус комбинат бор экан. Шу комбинат қаерда жойлашган?

Жавоб: Шаҳримизнинг Қорасарой кўчасидаги 286-«а» уйда аҳоли буюртмаси бўйича турли хил мебеллар тайёрлаб берадиган комбинат жойлашган. Сизга буюртма бўйича уй-рўзғорда ишлатиладиган диван ва стулларнинг ғилофларини ҳам янгилаб беришади. Шу хусусдаги қўшимча маълумотларни 48-35-28 рақамли телефонга қўнғироқ қилиб билиб олишингиз мумкин.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» КЎРСАТУВЛАРИ

Шеърият билан учрашув

Шеърият бугунги кунда ҳар бир хонадонга кириб боряпти. Машҳур совет шоирларининг асарлари ҳамиша қўлма-қўл бўлиб ўқилади. Бу бежиз эмас, албатта. Жамиятимиз олға интилган сари кишиларимизнинг маънавий эҳтиёжлари ҳам ўсиб боряпти. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз кишиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашга, бу тарбияда адабиёт ва санъатнинг ролига ҳамиша катта аҳамият бериб келади.

Шу маънода республика телевидениесининг Адабий-драматик кўрсатувлар Бош редакцияси уюштираётган «Шеърият билан учрашув» туркумидаги кўрсатувлар эътиборга моликдир. Бу кўрсатувларда таниқли ўзбек шоирларининг ўз мухлислари ҳузурида, олий ўқув юртлари, корхона ва муассасаларда меҳмон бўлганлиги акс этади. Учрашувда шоирлар ўзларининг янги шеърларидан ўқийдилар, шеърхонларни қизиқтирган саволларга жавоб берадилар. Бир неча йил давомида экран орқали намойиш этилган ана шундай кўрсатувларда томошабинлар Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Гулчеҳра Жўраева, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева ва бошқалар билан учрашдилар.

Куни кеча шу туркумнинг навбатдаги кўрсатуви бўлиб ўтди. Бу сафар таниқли адиб, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Мирмуҳсин Тошкент политехника институти студентлари меҳмони бўлди. Жуда қизиқарли шаклда ташкил этилган бу учрашувда студентлар ёшлар ижоди, адиб асарларининг яратилиш тарихи ва қаҳрамонлари, янги ижодий режалар ҳақида ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар. Шоир ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди. Умуман, учрашув студентларга ҳам, томошабинларга ҳам завқ-шавқ бағишлади.

Н. МИСРИДДИНОВ.



Кишинёвнинг марказий кўчаси— В. И. Ленин номли проспектда Молдавия Давлат опера ва балет театрининг муҳташам биноси қад кўтарди. Кўркам бинони бунёд этишда мамлакатимизнинг кўпгина корхоналари ёрдамга келишди. Москва, Ленинград, Украина заводлари кўтарма механизмлар учун ускуналар, Урал, Карелия, Қозоғистон ва Грузия корхоналари мармар ва гранит етказиб бердилар.

СУРАТДА: Молдавия Давлат опера ва балет театрининг янги биноси. ТАСС фотохроникаси.

• *Ажойиботлар оламида*

ЎЙИНЧОҚ БУЗИЛСА...

Ўйинчоқ машинани бузиб, ичида нима борлигини кўрмоқчи бўлган болалар оз дейсизми? Шу тахлитда ота-онанинг пули билан бирга миллион-миллион сўмлик ўйинчоқлар улоқтириб ташланган.

Москвадаги «Кругозор» заводида ўйинчоқларнинг умрини узайтириш проблемаси ҳал этилмоқда. Бу ерда бўлак қилинадиган машиналар ясала бошлади.

Бола машинанинг кузовини осонгина чиқариб олиши, капотини кўтариши, салон ичида нима борлигини кўриб чиқиши мумкин. Шундай қилиб, ўйинчоқнинг эгаси янгигина харид этилган машинани бузиб қўйишдан чўчимай, бир фурсат автосервиз устасига айлана олади.

Такомиллашган технология кўп жиҳатдан ҳақиқий машинага ўхшаб кетадиган микромашиналар конструкциясини ясашга имкон берди.

Ҳозир завод ўйинчоқ машиналардан ташқари, болаларга севиб ўйнайдиган митти кемалар, самолётлар ҳам ясамоқда. Улар ўзларининг кичик эгаларига аввалгига нисбатан кўпроқ хизмат қила олиши яна ҳам яхши, албатта.

(ТАСС).

ТЕАТР

Ижтимоий проблематика талқини

«Ёш гвардия» театрида Америка ёзувчиси Николас Е. Баэр сценарийси асосида яратилган «Можаро» спектакли санъат шинавандалари томонидан қизғин кутиб олинди, мутахассисларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Бу қувонарли ҳол, албатта.

Мазкур спектакль воқеалари капиталистик жамият, ич-ичидан нураб бораётган муҳит даҳшатини, ваҳшийликларини акс эттиради. Сюжет ихчамлиги, проблематиканинг кенг кўламлилиги, ҳар бир (ҳатто эпизодик) образ фожиасининг ниҳоятда қисқа диалогларда берилиши, характерларнинг изчиллиги, тугаллиги, ҳаётийлиги— булар асарнинг ютуғини, бадиий жиҳатидан юксак савиясини белгиловчи омиллардир.

Мазкур асарнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, муаллиф давримизнинг энг актуал, муҳим , проблемасини акс эттириш, ўқувчи ва томошабинга етказиб беришда оригинал йўл танлайди. У ташвиш ва қайғулари, муҳтожлик ва зиддиятлари билан ўз қобиғида яшовчи, капиталистик шароитда ҳар бир дақиқада юз бериши мумкин бўлган бахтсиз тасодиф ва фалокатлардан чексиз ҳадикда бўлган турли тоифа ва мансабдаги кишиларни метронинг бир вагонига йиғади. Кейин эса худди ана шу вагонга ашаддий безори ва садист Джо ҳамда Артини киритади. Шундан сўнг томошабинлар кўз ўнгида инсон қадр-қимматининг ерга урилиши, шахсият ва нафсониятнинг топталиши, ирқчилик каби аёвсиз зиддиятли ҳолатлар, ўша ижтимоий тузумга хос бўлган разолат ва қабоҳатлар бирма-бир акс эта бошлайди. Метро составидаги бу вагон Америка давлати, қолаверса капиталистик тузумнинг рамзига айланади.

Спектаклдаги ҳар бир образ маромига етказиб ижро этилган. Актёрлар, ҳатто эпизодик образ ижрочилари ўзларига юкланган вазифаларни маҳорат билан адо этганлар, образлар орқали айтилмоқчи бўлган асосий фикрнинг маъно ва мағзини аниқ етказиб беришга эришганлар. Бунга сабаб чуқур маъно ва изчил мантиққа эга бўлган мазкур асарнинг ҳар бир ижрочига севимли ва қадрли бўлиб қолганида бўлса керак.

Джо ва Артиларнинг безориликларига вагондаги пассажирларнинг бирортаси юрак ютиб, қаршилик кўрсатолмайди. Фақатгина финалда ана шу зулмат қўйнида милт этган бир нур кўзга ташланади. Бу— ёш сержант Телфинджер бўлиб, у воқеалар бошидаёқ икки безори ва уларнинг қилмишларига нисбатан нафратини яширмайди. Буни сезган Джо ҳам ҳамма пассажирлар ичида фақатгина уни «ёқтирмаётганлигини» айтади.

Телфинджер образини яратган ҳар икки актёр (М. Ражабов ва Р. Каримов) ижросини маъқуллаган ҳолда, улар бу образга ёш жиҳатдан мос тушмаганликларини айтиш лозим. Зеро, Телфинджер эндигина эсини таниб, оқу қорани ажрата бошлаган ва бу жараёнда ўзи яшаб турган жамиятда ҳукм сурган ҳақсизликларни бироз бўлса-да тушунган, ҳис эта олган 20—22 ёшлар атрофидаги ёш йигит. Фикримизча, асар иштирокчиларидан беш киши— Джо, Арти, Тони, Карматти ва Телфинджер бир-бирлари билан тенгқур сифатида талқин этилиши лозим эди. Зотан, автор ўзининг мазкур асарига асос қилиб олган воқеликни акс эттиришда ана шу ёш жиҳатидан тенг бўлган бир гуруҳ шахсларга жамиятнинг, ижтимоий муҳитнинг таъсири турлича эканлигини кўрсатишни асосий мақсад қилади. Чунончи, Джо ва Артини мавжуд ижтимоий тузумда юзага келган қабоҳат ботқоғи ўз домига олган, Тони ва Карматти эса мазкур шарт-шароитларга мутлақо мослашиб кетган буқаламун табиат шахслардир. «Нима бўлса бўлсин, нимани бой берсам берай, фақат менга зиён-заҳмат етмаса бўлгани»— мана уларнинг фалсафаси. Телфинджер эса бутунлай бошқа. У мажруҳ муҳит билан ҳали чиқишиб кетолгани йўқ. Унда исёнкорлик руҳи мавжуд. Асарнинг ана шу жиҳати постановкачилар назаридан бир қадар четда қолганлиги туфайли Телфинджер образи билан юқорида зикр этилган тенгқурлар группаси ўртасида мутаносиблик йўқолган.

Спектакль финалининг талқини ҳам маълум маънода ноўриндек кўринади, томошабинни ишонтира олмайди. Зотан, Телфинджернинг ўлимида фақат Джо ва Арти эмас; балки вагондаги бутун пассажирларнинг айбланиши, яъни бўлиб ўтган ҳодиса моҳиятига бундай чуқур ёндошилиши АҚШ давлатидаги ижтимоий вазиятга мутлақо хос эмас. Финал юқорида қайд этилганидек талқин қилинмаганида ҳам, ҳар бир томошабин муҳокамасининг хулосаси ўлароқ ўша фикр туғилиши муқаррар эди.

Спектакль ҳар қанча муваффақиятли бўлмасин, постановкачилар томонидан йўл қўйилган жиддий бир йўқотишни айтмай иложимиз йўқ. Николас Е. Баэрнинг мазкур асари улар учун жиддий изланиш, ўзига хос оригинал талқин манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Афсус, бундай ҳол юз бермади. Маълумки, режиссёр А. Исмоиловда мазкур асарга мурожаат этиш истаги ана шу асар асосида Ленинград драма театрида яратилган спектаклни кўргач, юзага келган. Бу асарни саҳналаштириш учун Тошкентга йўлланма олган Ленинград Давлат театр, музика ва кино санъати институтининг дипломанти Ал-Баҳадили Даир Табур ҳам «Ёш гвардия» театрига худди ўша спектакль таассуротлари остида ташриф буюрган. Натижада театрда икки постановкачи-режиссёр ҳамкорлигида юзага келган бу спектакль ўша Ленинград Давлат Малий драма театрида режиссёр Е. Падве саҳналаштирган спектаклнинг (икки-уч ўриндаги кичик деталь ва унсурларни мустасно қилганда) айнан кўчирмаси бўлиб қолган. Аслида ҳар бир ижодкор ўзи мурожаат этишга аҳд қилган у ёки бу асарга шахсий муносабати ва нуқтаи назари асосида ёндошиши, унинг бошқалар назаридан четда қолган қирраларини илғай олиши, кашф эта билиши лозим.

«Можаро» спектакли хусусидаги фикримизнинг якуни сифатида унинг театр репертуарида турғун, мазмун ва моҳияти билан аҳамиятли, бадиий жиҳатдан мустаҳкам саҳна асари бўлиб қолишига ишонч билдирмоқчимиз. Зотан, уни саҳналаштириш жараёнида қўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган айрим камчиликлардан қатъий назар, ана шу спектаклга асос бўлган адабий материалнинг ҳар жиҳатдан мукаммаллиги, автор танлаган мавзунинг актуаллиги, умумбашарийлиги томошабин учун жиддий мушоҳада манбаи бўлиб хизмат қила олишининг ўзи ана шундай ишонч билдиришимизга имкон беради.

Фарҳод ФАЙЗИЕВ,
театршунос.

СУРАТДА: спектаклдан бир саҳна.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/XII Кузнинг биринчи куни.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **НАТАЛЬЯ РУБАНОВА** раҳбарлигидаги «ИЛЛЮЗИОН КАЛЕЙДОСКОП» аттракциони иштирокида «ЦИРКДА АРЧА» ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ. (10, 13, 16, 19.30).

КИНО

30 ДЕКАБРДА

«ЭСКИ ҚАРЗЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«БАРВАҚТ ЗАНГ БОСДИ» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«КАТТА — КИЧИК УРУШЛАР» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

31 ДЕКАБРДА

«ЭСКИ ҚАРЗЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«БАРВАҚТ ЗАНГ БОСДИ» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«КАТТА — КИЧИК УРУШЛАР» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, қабул қилувчилар, муқовачилар ва саналар ўтилган мутахассисликлар бўйича шогирдлар, слесарь-сантехниклар, компрессорли ва совутиш қурилмаларининг машинистлари, аккумуляторларни зарядловчилар, газ пайвандчи, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар, вахтёрлар, фрезерчилар, слесарлар, токарлар, электр ускуналарини ремонт қилувчи электромонтёрлар, санитарка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ТУРИСТ

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ

САЁҲАТ ИШҚИБОЗЛАРИГА

ЯНВАРЬ-ФЕВРАЛЬ-МАРТ ОЙЛАРИДА

МОСКВАДАГИ «ИЗМАЙЛОВО» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИГА — 1-НОМЕРЛИ МАРШРУТГА ПУТЁВКАЛАР ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Сафар муддати 12 кун.
Путёвка баҳоси 140 сўм.

МОСКВА — Ватанимиз пойтахти, қаҳрамон шаҳар, саноат, маданият ва фаннинг йирик маркази, улуғ социалистик давлатимизнинг тимсолидир. Бу — жаҳондаги энг чиройли ва улкан шаҳарларнинг биридир.

Туристлар Москвада бўлган вақтларида шаҳар ва пойтахтнинг олимпиада иншоотлари билан таништирадилар, Москванинг Ленин қадамжоларига экскурсия уюштирадилар, СССР Бутуниттифоқ Халқ Хўжаликлари Ютуқлари Виставкасида бўладилар, Кремлга экскурсияга борадилар, В. И. Ленинг музейи, революция музейи, тарих, рассомчилик, адабиёт музейларига ташриф буюрадилар.

323 ВА 326-МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА ЭСА ҚОРА ДЕНГИЗ СОҲИЛИ БЎЙЛАБ 20 КУН САФАР ҚИЛИНАДИ. Путёвка баҳоси — 100 сўм.

ТУАПСЕДА—5 кун, АШЕДА — 5 кун, ДАГОМИСДА — 5 кун, АДЛЕРДА — 5 кун.

Туристлар бизнинг путевкамиз билан сафарга жўнаш ва ундан қайтишда 30 процент скидка билан билет сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ТУРИСТИК ГРУППАЛАРДАН КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Бизнинг адрес: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 115-уй («М. Горький майдони» метро станцияси, у ёғи «Саёҳат» меҳмонхонасигача). Справкалар учун телефон 66-26-41.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

85-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8—10-синф ҳажмида маълумотли қизларни тўқувчилик, йигирувчилик группасига

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати— 1 йил.

Бу группалардан ташқари 6 ойлик тўқувчилар тайёрлаш курси ҳам очилади.

Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат билан таъмин этиладилар. Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларга ойига 70 сўм ҳажмида стипендия ҳамда ишлаб чиқариш практикасида топган иш ҳақларининг 50 процента тўланади.

8 синфни тамомлагандан сўнг бир йиллик группага ўқишга кирганлар комбинат қошидаги ишчи-ёшлар мактабида ўқийдилар.

Раклистлар тайёрлаш группасига Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган ёшлар қабул қилинадилар. Стипендия ойига —80 сум.

Ўқиш муддати— 6 ой.

Ўқишни тамомлаганлар олий ўқув юртлари ва техникумларга киришда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар олий ва ўрта махсус билим юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига ўқишга юборилади.

Билим юртида яхши спорт базаси, жумладан, қишки сузиш бассейни бор, бичув ва тикув тўгараги, фототўгарак, вокал-чолғу асбоблари ансамбли, шунингдек олий ўқув юртларига кирувчилар учун тайёрлов курси ишлаб турибди.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан пулсиз жой берилади.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида ҳужжат, 6 та фотосурат (3х4 см); турар жойидан, медицина справкалари.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3-автобусларнинг «ТУ—85» техника билим юрти» бекати, 18, 54, 58, 80-автобуслар; 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 14, 15, 16-троллейбусларнинг «Театральная» бекати). Телефонлар: 53-66-09, 53-39-10.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

227-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ тўқувчи ва йигирувчи касби бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

15—18 ёшли, 8—10 синф ҳажмида маълумотли қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил. Битириб чиқувчилар тўлиқ ўрта маълумот ва касб эгалланганлиги тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал бепул овқат ва кийим-кечак билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 70 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишни аъло баҳоларда гамомлаганлар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ҳамда халқ хўжалиги институтига ўқишга юборилади.

Билим юртида ўқиш даври узлуксиз ишлаб чиқариш стажига қўшилади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли); мактабдан характеристика; турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар; 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Бешоғоч, Олмазор кўчаси, 185-уй («Комсомол кўли»).

ТАЙЁРЛАБ КЎРИНГ, БУ ЛАЗЗАТЛИ

Байрамолди кунлари ҳар бир уй бекасига меҳмон кутиб, мезбонлик қилишга тўғри келади. Меҳмон тўсатдан келиб қолишига тайёргарлик кўриш учун ҳозирданоқ бир неча банка ўз ёғида пиширилган балиқ консерваларини, сиркаланган помидор ва бодрингларни харид қилиб қўйинг. Булардан лаззатли салатларни тезда тайёрлаш мумкин.

БАЛИҚ КОНСЕРВАЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН ЗАКУСКАЛАРНИНГ БИР НЕЧТАСИ ҲАҚИДА МАСЛАҲАТЛАР ВА РЕЦЕПТЛАР БЕРАМИЗ.

Таомнинг лаззатли бўлиши уни тайёрлашга боғлиқлиги ҳаммага маълум, таом яхши ва чиройли тайёрланган бўлса иштаҳани қитиқлайди. Шунинг учун салатга ошкўк, қайнатилган тухум, майонез қўшишдан эринманг.

Балиқдан тайёрланган консерваларни металл банкада дастурхонга қўйиш тавсия этилмайди. Уни салатдон ёки ликобчага солиш керак. Енига тўғралган бодринг ва помидор, майда тўғралган кўкпиёз ва пиширилган тухумни бўлакларга бўлиб қўйилади. Консервани петрушка ёки бошқа ошкўк билан безаш керак. Томатда тайёрланган балиққа петрушка, бодринг, помидор жуда яраширб тушади. Ёғда тайёрланган балиққа эса — лимон шарбати қўйиш, ошкўк, тўғралган лимон мос келади.

Энди пиширилган гуруч ва «Сайра» балиғининг ёғда пиширилганидан салат тайёрлаб кўринг. Масаллиқ 1,5 стакан гуруч, 2 ош қошиқ сирка, бир чой қошиқда горчица, 5 ош қошиқ ўсимлик мойи, 4 та пиширилган тухум, 4 та ўртача катталикдаги помидор, 4 та тузланган бодринг, 10—12 маслин, 2 банка сайра.

Тайёрлаш. Гуручга уч баравар кўп, яъни 1.5 стаканга —4.5 стакан сув қўшиб, 20 минутча қайнатилади. Оловдан олиб гуруч дона-дона бўлиб турищи учун совуқ сувда чайилади. Катта тогорага сирка, ўсимлик мойи қўйиб, горчица қўшилади, туз сепиб ҳаммаси ёғоч қошиқда қориштирилади. Помидор, пиширилган тухум, бодринг ва данаги олинган маслин кубик шаклида тўғралади, 2 банка балиққа аралаштирилади. Ҳаммаси биргаликда тогорада яхшилаб қорилади. Шундан кейин совуқ закуска ўрнида дастурхонга тортилади. Сирка ўрнида лимон шарбати ишлатиш ва таъбга қараб қора мурч қўшиш мумкин.

Ўз ёғида пиширилган «Сардин» ва «Скумбрия»дан жуда тез лаззатли паштет тайёрлаш мумкин. Уни тайёрлаш учун тўғралган пиёз ва қайнатилган тухум керак, холос.

Балиқни банкадан олиб эзилади, майда тўғралган пиёз ва пиширилган тухумга банкадан чиққан ёғ қўйилиб, ҳаммаси қориштирилади.

Салат ва паштетни петрушка, сельдер, укроп япроқлари, тухум, цитрус мевалари, қайнатилган сабзи, редис билан безатишни унутманг.

«Сардин», «Скумбрия», «Сайра» консерваларининг истагланидан (ўз ёғида пиширилган бўлиши шарт эмас) тухум дўлма тайёрлаш мумкин.

Қайнатилган тухум арчилиб, ўртасидан бўлинади, тухум сариғи ва балиқни вилка билан яхшилаб майдаланилади, ошкўкларни майда тўғраб, тухум сариғи ва балиқлар аралаштирилади ва устидан майонез қўйилади. Тухумнинг ярмисини ана шу қоришма билан дўлма ясалади. Таом устига ошкўк япроқлари қўйилади.

Байрам ширинликсиз ўтмайди, албатта! Яхши безатилган тортлар тайёрланг. Бу байрам дастурхонингизни очади, унга тантанавор ҳуси бағишлайди.

ҲУРМАТЛИ УЙ БЕКАЛАРИ!

СИЗЛАРНИ «БАШҚИРИЯ» ВА «ХАСКОВО» МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ, У ЕРДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

балиқ консервалари («Скумбрия», «Сардина», «Сельд иваси», «Горбушка» ва бошқалар);

сабзавот консервалари (сиркаланган ва консерваланган помидорлар ва бодринглар), икра (баклажон ва қовоқ);

шарбатлар (олма, томат, узум);

кондитер маҳсулотлари (тортлар: «Абрикосовий», «Пахта», «Южанка», «Бисквит», «Бойчечак»);

карамель, печенье, шоколад, табиий кофе ва кофе ичимликлари.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

16-«БАШКИРИЯ»— 23-квартал, 40-уй (2, 41-автобусларнинг «БАШКИРИЯ» магазини» бекати).

22-«ХАСКОВО» — Уйғур кўчаси, 691-уй (53, 64, 79, 83, 87-автобусларнинг «Қурувчи» кўчаси» бекати).

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Бизларнинг ҳар биримиз байрамга янги кийим кийгимиз келади. Байрам оқшомига янги кўйлак, костюм тиктириш шартми?

Бугунги модага қараганда, кундалик ва байрамларда кийиладиган кўйлаклар ўртасида аниқ фарқ қолмади. Биз театрга, меҳмонга ва кечаларга аксарият ҳолларда кундалик кийиб юрилган юбка, нимча, ички кийимларни «водолазка»ми, кофтами, нимчами алмаштириб борамиз.

Замонавий кийинишда трикотаж бугунги кунда бизга жуда қўл келиб қолди. Бу сафар ҳам трикотаж ўзининг ёрқинлиги, қулайлиги, юмшоқлиги, кўзга ташланиши билан бизни безатиши мумкин. Шунда Сизнинг кийимингиз модали ва чиройли бўлади.

Эркаклар учун тўр кўйлак, пуловер, жемперлар, хотин-қизлар учун кофта, жакет, кўйлак, костюмларни

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

Бу магазинлардан Сиз сунъий ва табиий чармдан, замш, матолардан тайёрланган чиройли сумкалар танлашингиз мумкин.

Сумкаларнинг формаси ва ранги хилма-хилдир. Тўғри тўртбурчак, узун тасмали, ёй шаклида чиройли боғичлар қўйиб тикилган.

«Водолазки» устидан бойланадиган чиройли гулдор дурраачалар, дид билан танлаб, қелиштириб боғланган галстуклар, чиройли запонкилар — ана шу майда-чуйдаларсиз ҳар қандай зебо кийинишни ниҳоясига етказиб бўлмайди.

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ».

ДИҚҚАТ, ЭЛЕКТР ТОКИ!

Электр рўзғор асбоблари ҳаётимизга чуқур сингиб кетди. У эндиликда бизнинг муносиб ва ишончли ёрдамчиларимиздир. Ҳозирги замонавий уйларни радиоприёмник ва телевизорсиз, чиройли қандил ва гўзал торшерсиз тасаввур этиш қийин.

Аммо электр қувватининг бебаҳо хизматлари билан бир қаторда инсон ҳаёти учун хавфли томони ҳам бор. Агарда бу қувватга нисбатан нотўғри ва эҳтиётсизлик билан муомалада бўлинса, фожиа рўй бериши мумкин.

Ажойиб байрам — Янги йилга ҳам саноқли кунлар қолди. Ана шу байрам куни ҳар бир хонадонда ясатилган арча шохларида ранг-баранг гирлянд шуълалари порлайди, радиола, проигриватель, магнитофон ва телевизорлар ишлаб туради.

Биз фойдаланаётган электр асбоблари хавф-хатарсиздир. Бу ҳақда конструкторлар, инженерлар, умуман бу асбобларни яратишда қатнашган барча кишилар олдиндан қайғуришган.

Аммо эсингизда бўлсин! Улар бузилган вақтида инсон учун ўлим хавфини туғдиради.

Электр токи болалар учун айниқса, хавфлидир. Бахтсиз ҳодисаларнинг асосий бош сабабчиси — болаларнинг электр узатиш линиялари яқинидаги шўхликлари ва бебошликлари электр тармоғига уланган штепсель розеткалари, патронлар, виключателлар ва электр асбобларининг ток ўтиб турган очиқ қисмларига тегишидир.

БОЛАЛАР! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГЛАР!

Узилган ёки осилиб ётган симни кўрсангиз, унинг ёнига борманг, хавф-хатар ҳақида барчани огоҳлантиринг, бу ҳақда катталарга зудлик билан хабар беринг. Яна шуни ҳам эсда тутингки, фақат симга тегишгина эмас, ҳатто ерда узилиб ётган симга 8 метр яқин келиш ҳам жуда хатарлидир.

Трансформатор подстанцияларига ичига кириш, тақсимлаш щитлари ва бошқа электр қурилмалари эшикларини очиш қатъиян ман этилади.

Ҳарқандай бузуқ электр узатгич, штепсель розеткаси, вилка ва ёритгичлар, лампа патронларидаги бошқа нуқсонлар электр токидан зарарланиш ва ёнғин чиқиши манбаи ҳисобланади.

ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИ ВА ЭЛЕКТР УЗАТГИЧЛАРНИ ЎЗИНГИЗ РЕМОНТ ҚИЛМАНГ. БУНИ МУТАХАССИС-ЭЛЕКТРИК БАЖАРИШИ ШАРТ.

Электр токи урган киши ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Бунинг учун ўз вақтида тўғри ва тез ёрдам кўрсатиш лозим.

Бунинг учун 03 телефони орқали «Тез ёрдам» машинасини чақириш керак. Медицина ёрдами етиб келгунга қадар эса, катта ёшдаги кишилар биринчи ёрдамни кўрсатишлари лозим.

БОЛАЛАР! Электр энергиясидан фойдаланганда ҳушёр ва эҳтиёткор бўлинг ва электр хавфсизлиги қоидаларига риоя этинг!

«УЗЭНЕРГОСБИТ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

30 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.55 Иттифоқдош республикалар санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». 19.45 «Романс». Кинолавҳа. 19.55 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Мимино». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. Танаффус пайтида (23.45) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Тўпли хоккей бўйича СССР чемпионати. «Зоркий» (Красногорск) — АСК (Свердловск). 2-тайм. Красногорскдан олиб кўрсатилади. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Типратикон қандай қилиб пўстинини ўзгартирди». Мультфильм.

18.00 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.20 «Қуйловчи расмлар». Болалар учун фильм-концерт. 18.45 Врач масласҳатлари. 18.55 КПСС XXVI С. . ДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК. 19.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Наштар» ҳажвий киножурнали— бизнинг меҳмонимиз». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Телевизион театр. Л. Зорин. «Бир эркак ва саккиз аёл». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Шустрик ва Мямликнинг янги йил туши» (рус.). 21.05 «Жанговар постда». 21.35 «Привалов миллионлари». Бадиий фильм 2-серия.

31 ДЕКАБРЬ—ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Электроқозиқнинг саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «6 «б» сири». 2-серия. «Кучук етаклаган бола». 3-серия. 12.15 Космос ҳақидаги ҳужжатли фильмлар программаси. 12.55 К. Хачатурянинг «Чиполлино» балети. Т. Шевченко номли Украина ССР Давлат академик опера ва балет театрининг спектакли. 14.45 «Бил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 15.30 Янгиликлар. 15.45 «Қиш акварелли». Музикали эртак. 16.15 Болалар учун. «Мўъжиза кутиб». Бадиий фильм. 17.25 «Буратино кўргазмаси». 17.55 Халқ оҳанглари.

18.10 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. «Буюк китоб боблари». 5-фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ. 20.05 Жаҳон халқлари ижоди. 20.45 «Грузия фильм» киностудияси қисқа метражли телевизион бадиий фильмлари премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Музлаган бал». Фигурали учиш усталари ва болалар спорт мактаблари тарбияланувчиларининг чиқишлари. 23.15 «Цирк майдонида». 00.15 Совет қўшиқларидан концерт. 00.40 «Мамлакатим менинг». Телевизион ҳужжатли фильм. 00.50 «ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН, ЎРТОҚЛАР!». Совет халқига табрик. 01.05 «Голубой огонёк». Кўрсатув тугагач—Эстрада артистларининг концерти.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.30 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб». 12.30 Телевидение экранида биринчи марта «Она». Фильм-эртак (рус.). 13.55 «Совет киноси усталари». Евгений Леонов.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Тимошканинг арчаси». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Янги йилни қутлаймиз». 19.05 «Ахборот» (рус.). 19.20 «Янги йил билан». Фильм-концерт. 19.30 «Янги йил дарси». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Цирк, цирк, цирк». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Янги йил оқшомида». Байрам музикали программаси. 23.45 «Янги йил табриги». 00.05 «Янги йил оқшомида». Байрам музикали программаси (давоми). Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Арча ўрмонда қолди». Телефильм. 20.35 «Телеграммалар, телеграммалар, телеграммалар...» Фильм-концерт. 21.35 Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 22.00 «Бахт кулиб боққанда». Кинокомедия.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-58-81; ахборот —33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

30 ДЕКАБРЬ, 1980 й. Р—02467 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2311.